




Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ БОЖИНИ
БЕЛГИЛАШ ВА УНДИРИШ ТАРТИБИ



Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ БОЖИНИ
БЕЛГИЛАШ ВА УНДИРИШ ТАРТИБИ

Амалий қўлланма

Тошкент-2023

УЎК 34.26(575.1)
КБК 65(5Ў)09

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
“Фуқаролик ишлари бўйича давлат божини белгилаш ва ундириш тартиби”. Амалий қўлланма. – Тошкент: “.....” нашриёти. 2023. – 205 б.

Нашр учун масъуллар:

И.Насриев – *Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси мудир*
ю.ф.д, профессор

Ф.Мухитдинова – *Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси ю.ф.д.*

А.Бабакулов – *Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси*

А.Эранов – *Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси*

Мазкур қўлланма фуқаролик ишлари бўйича судларга ариза (даъво ариза)ларни тақдим қилишда ундирилиши лозим бўлган давлат божини ундириш ва унга оид барча масалалар, шунингдек, судларга мурожаат қилишда ва ишни кўриш якунлари бўйича судларга тўланадиган давлат божи миқдорини ҳисоблаш масалалари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари эътиборга олинган ҳолда судьялар фойдаланиши учун тайёрланган..

Қўлланма судьялар, судьяликка номзодлар ҳамда фуқаролик процессуал қонуни билан ишловчи прокуратура органи ходимлари ва адвокатларга мўлжалланган.

КИРИШ СЎЗИ

Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш суд ислоҳотларининг асосий мақсадларини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига асосан, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши, шунингдек 130-моддасида Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши муҳим конституциявий қоида сифатида белгиланган.

Ҳар ким белгиланган тартибда фуқаролик судларига мурожаат қилиш йўли билан ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари мумкин.

Одил судловни амалга ошириш бевосита давлат бюджетидан таъминланади. Бунда, судларга мурожаат қилишда ундириладиган давлат божи тўловлари давлат бюджетининг муайян қисмини ташкил қилади.

Шунинг учун давлат божини тўғри белгилаш ва вақтида ундириш муҳим аҳамият касб этади.

Судларга ариза, даъво ариза беришда ҳамда суд ҳужжатларига нисбатан апелляция, кассация шикояти беришда давлат божи ундириш миқдори, ҳамда давлат

божи тўловидан озод қилинган жисмоний ва юридик шахслар рўйхати, шунингдек давлат божини кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва камайтириш тартиби Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”-ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ФПК нормалари билан белгиланган.

Фуқаролик ишлари бўйича давлат божи миқдорини ҳисоблаш ва ундиришни таъминлаш – судьядан амалдаги қонунларни мукамал билишни ҳамда тўғри қўллашни талаб этади.

Мазкур қўлланма фуқаролик ишлари бўйича давлат божларининг тўғри ундирилишини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодлар, судьялар, шунингдек прокуратура ходимлари ва адвокатлар фойдаланиши учун тайёрланган.

Х. ЁДГОРОВ

Суд харажатлари ва давлат божи тушунчаси. Даъво ариза (ариза)ларни қабул қилиш ва фуқаролик ишини қўзғатишда давлат божини белгилаш ва ундириш масалалари.

Суд харажатлари ишни судда кўриш билан боғлиқ тарафларнинг, мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг ва алоҳида иш юритиш тартибидан мурожаат қиладиган аризачиларнинг зиммасига юкланадиган пул маблағларидир.

Суд харажатлари қуйидагилардан иборат:

1. Давлат божи;
2. Ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар;

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасига мувофиқ **давлат божи деганда**, юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўлов тушунилади.

Давлат божи ариза, даъво аризаси шикоят (апелляция, кассация) судга берилгунга қадар тўланади, агар қонунда бошқача белгиланмаган бўлса (масалан, тўловчи давлат божини тўлашдан озод қилинган, давлат божи тўлаш кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган ҳолларида).

Судлар, давлат божи бошқа мажбурий тўловлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этиши туфайли, давлат божи ундиришга доир қонун талабларига сўзсиз риоя этишлари шарт.



Давлат божи тўғрисидаги қонуннинг 5-моддаси талабига мувофиқ қуйидаги тоифа даъво ариза ва аризалар билан судга муружаат қилинганида давлат божи ундирилади:

✓ судларга бериладиган даъво аризаларидан, алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан;

✓ ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги аризалардан;

✓ ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан;

✓ чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги аризалардан;

✓ апелляция, кассация шикоятларидан:

а) фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан;

б) иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан;

в) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги ажримлар устидан;

г) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажримлар устидан;

д) чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажримлар устидан;

✓ ҳужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма

нусхаларини (шу жумладан, такрорий равишда бериладиган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхаларини) берганлик учун.

Давлат божини нақд пулсиз шаклда тўлаганлиги факти:

-қоғоз ёки электрон шаклдаги тўлов ҳужжати билан тасдиқланади.



Давлат божини нақд пул шаклида тўлаганлиги факти:



-банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция билан ҳамда белгиланган шаклда тўловни амалга оширган мансабдор шахс ёки давлат органи

ва ташкилотнинг кассаси томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланади.

Тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдори арз қилинган талабнинг хусусиятига (мулкӣ ёки номулкий) боғлиқ бўлади ва Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, ставкалар бўйича аниқланади.

Аризачининг талаби мулкӣ хусусиятга эга бўлган ҳолларда давлат божи миқдори давогар томонидан кўрсатиладиган даъво баҳосидан келиб чиққан тарзда белгиланади ва судья томонидан Ўзбекистон Республикасининг ФПК 129 ва 130-моддаларига мувофиқ текширилади.

Ўзбекистон Республикасининг ФПК 129-моддаси талабига мувофиқ, даъвонинг баҳоси қуйидагича белгиланади:

1) пул ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича —

ундириладиган суммага қараб;

2) мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича — талаб қилинаётган мол-мулкнинг қийматига қараб;

3) бир нечта мустақил талабдан иборат даъволар бўйича — барча талабларнинг умумий суммасига қараб;

4) алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича — бир йиллик тўловларнинг йиғиндисига қараб;

5) муддатли тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича — тўловларнинг ёки бериладиган пулларнинг йиғиндисига, лекин кўпи билан уч йиллик йиғиндисига қараб;

6) муддатсиз ёки умрбод тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича — тўловларнинг ёки пулларнинг уч йил ичидаги йиғиндисига қараб;

7) тўловларни ёки пул беришни камайтириш ёхуд кўпайтириш тўғрисидаги даъволар бўйича — тўловлар ёки бериладиган пуллар камайтириладиган ёки кўпайтириладиган суммага, лекин кўпи билан бир йиллик суммага қараб;

8) тўловларни ёки пул беришни тўхтатиш тўғрисидаги даъволар бўйича — қолган тўловлар ёки пуллар йиғиндисига, лекин кўпи билан бир йиллик йиғиндисига қараб;

9) мол-мулк ижараси шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш ҳақидаги даъволар бўйича — шартнома амал қилишининг қолган муддатида мулкдан фойдаланиш учун тўланадиган тўловларнинг йиғиндисига, лекин кўпи билан уч йил ичидаги тўловларнинг йиғиндисига қараб;

10) хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли иморатларга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги

даъволар бўйича — иморатнинг бозор қийматига қараб, лекин бу миқдор кадастр қийматидан, бундай баҳо бўлмаганида эса, мажбурий суғурта баҳосидан кам бўлмаслиги керак, ташкилотларга қарашли иморатлар бўйича эса — иморатларнинг ҳақиқий баҳосидан кам бўлмаслиги керак.

Юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси ФП-Книнг 130-моддаси талабига мувофиқ, даъвонинг баҳоси даъвогар томонидан кўрсатилади. Даъвогар кўрсатган баҳо талаб қилинаётган мол-мулкнинг ҳақиқий қийматига мувофиқ эмаслиги яққол бўлса, даъвонинг баҳосини судья белгилайди.

Даъво тақдим этилган вақтда унинг баҳосини белгилаш қийин бўлса, давлат божининг миқдорини судья дастлабки тарзда белгилайди ва кейинчалик ишни ҳал қилиш чоғида суд белгиланган даъво баҳосига мувофиқ, давлат божининг тўланмаган қисми ундирилади ёки ортиқча олинган қисми қайтарилади.

Даъво баҳоси чет эл валютасида белгиланган мулккий низо бўйича давлат божининг миқдори ариза тақдим этилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада белгиланади ва ундирилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига ИЛОВА қилинган Давлат божи ставкаларининг миқдорларига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича судларда қуйидагича давлат божи тўловлари ундирилади:

а) мулккий хусусиятга эга даъво аризаларидан – даъво баҳосининг 4 фоизи миқдорида, бироқ БҲМнинг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

б) давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган аризалардан (шикоятлардан) (суд қарори чиқарилаётганда айбдор тарафдан ундирилади) – БҲМнинг 1 баравари;

Изоҳ. *Кичик тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти доирасида судларга мурожаат қилганда ушбу банднинг “е” ва “и” кичик бандларида кўрсатилган, белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдориди давлат божни тўлайди.*

в) никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан – БҲМнинг 2 баравари;

г) такрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан – БҲМнинг 4 баравари;

Изоҳ. *Никоҳ бекор қилинаётганда мол-мулк бўлинган тақдирда, бож “а” кичик бандига мувофиқ даъвонинг баҳосига мувофиқ белгиланади.*

д) бедарак йўқолган ва руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги оқибатида белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки камида уч йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан – БҲМнинг 2 фоизи;

е) турар жойлар ижарасига доир шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризалари-

дан, мол-мулкни хатловдан чиқариш тўғрисидаги ва мулкий хусусиятга эга бўлмаган (ёки баҳоланмайдиган) бошқа даъво аризаларидан – БҲМнинг 2 баравари;

ж) алоҳида кўриладиган ишларга доир аризалардан – БҲМнинг 1 баравари;

Изоҳ. *Оталикни тан олиш (белгилаш), боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги, шунингдек туғилган вақти фактларини аниқлаш тўғрисидаги аризаларни кўрганлик учун давлат божини ундирилмайди.*

з) апелляция, кассация тартибида берилган шикоятлардан – даъво аризаси ёки бошқа аризалар, шикоятлар берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи;

Изоҳ. *Мулкий низолар бўйича ставкалар миқдори “а” кичик бандга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади.*

и) қарорлар, ҳукмлар, ажримлар, бошқа суд ҳужжатларининг дубликатлари ва кўчирма нусхаларини, шунингдек тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра судлар томонидан ишлардан бошқа ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини берганлик учун – ҳужжатнинг ҳар бир бети учун БҲМнинг 2 фоизи;

к) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан – БҲМнинг 2 баравари;

л) чет эл судлари ва чет эл ҳакамлик судлари (арби-

тражлар) қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги аризалардан – БҲМнинг 2 баравари миқдориди.

Тўланган давлат божи даъвогар ўз талабларини камайтирган, арз қилинган талаблардан воз кечган, тарафлар ишни келишув битими билан тамомлаган ҳолларда камайтирилмайди.

Бир нечта даъво талаблари бирлаштирилганда ундириладиган давлат божи миқдори

✔ Мулкий хусусиятга эга бўлган, бир неча мустақил талаблардан иборат даъво аризаларидан, умумий даъво суммасидан келиб чиққан ҳолда давлат божи ундирилади.

✔ Бир неча мустақил талабларни ўз ичига олган, номулкий хусусиятга эга бўлган даъво аризаларидан ҳар бир талаб учун алоҳида давлат божи ундирилади.

✔ Бир вақтнинг ўзида мулкий ва номулкий характерга эга бўлган мустақил талаблардан иборат бўлган аризалардан давлат божи ҳар бир талаб алоҳида, мулкий ва номулкий характердаги аризалар учун белгиланган тегишли ставкалар бўйича ундирилади.

Масалан, никоҳдан ажратиш ва мол-мулк ҳақидаги талаб битта даъво аризасида қўйилганда ёки битта ишга бирлаштирилганда, давлат божи ҳар бир талаб бўйича алоҳида ундирилади.

Даъво суммаси кўпайтирилганда, давлат божининг етишмаётган суммаси даъво миқдорининг кўпайтирилганлиги инобатга олинган баҳосига мувофиқ ундирилиши лозим, даъвогар томонидан

даъво талаблари камайтирилганда эса, давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

Агар жавобгар томонидан қарши даъво ариза берилган бўлса, ишга учинчи шахслар мустақил даъво талаблари билан киришганлиги тўғрисидаги аризалар берилган бўлса, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига кўра, давлат божи умумий асосларда ундирилади.

Ишга киришган даъвогарнинг ҳуқуқий ворисидан давлат божи, агар у даъвогар томонидан тўланмаган бўлса, умумий асосларда ундирилади.

Даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган ҳолатларда давлат божи қайтариш масаласи

Агар:

✔ ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

✔ фуқаролик ишлари бўйича суднинг, иқтисодий суднинг ёки ҳакамлик судининг иш юритувида айни бир тарафлар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса;

✔ тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш тўғрисида ҳакамлик битими тузилган бўлса;

✔ тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, суд аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримда давлат божини қайтариш ҳақида кўрсатади.

Суд томонидан илгари кўрмасдан қолдирилган тақроран берилган ариза бўйича давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади.

Шу билан бирга, агар ариза кўрмасдан қолдирилган-

лиги муносабати билан давлат божи қайтарилиши лозим бўлган, лекин қайтарилмаган бўлса, башарти давлат божи бюджетга ўтказилган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 150-моддасида белгиланган умумий даъво муддати ўтмаган бўлса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат такроран берилган аризага илова қилиниши мумкин (Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида” ги Қонун 19-моддасининг бешинчи қисми).

Ўзбекистон Республикасининг ФПКнинг 122-моддасида кўрсатилган бошқа асослар ариза бўйича кўрмасдан қолдирилган ҳолатда давлат божи қайтарилмайди.

Яъни, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 122-моддаси қуйидаги бандларига кўра ариза кўрмасдан қолдирилса, давлат божи даъвогардан ундирилади:

2) манфаатдор шахс номидан ариза иш юриштишга ваколати бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;

5) ишни ўзининг иштирокисиз муҳокама қилишни илтимос қилмаган тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрли сабабларсиз судга келмаса, суд эса ишга оид мавжуд материаллар асосида ишни ҳал қилиш мумкин эмас, деб ҳисобласа;

6) ишни ўзининг иштирокисиз муҳокама қилишни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чақирув бўйича судга келмаса, жавобгар эса ишни мазмунан кўришни талаб қилмаса;

7) алоҳида тартибда юритиладиган ишни муҳокама қилиш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса;

8) хотини ҳомиладор бўлган вақтда ёки бола туғилганидан кейин бир йил давомида эр хотинининг розилигисиз никоҳни бекор қилиш тўғрисида даъво тақдим этган бўлса;

9) даъвогар томонидан аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ариза берилган бўлса;

9¹) даъвогарнинг манфаатларини кўзлаб прокурор, давлат органи, ташкилот ва бошқа шахс томонидан тақдим этилган даъводан даъвогар воз кечган бўлса ва бунда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилинмаса;

10) даъвогар томонидан низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилинмаган, башарти бу қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

10¹) даъвогар низони жавобгар билан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

10²) медиация тартиб-таомилини амалга ошириш ҳақида илтимоснома билан арз қилган тарафлар уни амалга ошириш муддати тугаганидан сўнг суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаса;

11) мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ариза қонунда белгиланган муддатдан олдин ёки эгасиз мол-мулкни (ашёни) аниқлаш ва ҳисобга олишнинг қонунда назарда тутилган тартиби бузилган ҳолда берилган бўлса.

Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

(Ўзбекистон Республикасининг

“Давлат божни тўғрисида”ги Қонуни 8-модда)

1) даъвогарлар — иш ҳақини ундириш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

2) даъвогарлар — алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

3) даъвогарлар — меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчиси вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

4) даъвогарлар — қонунга хилоф равишда ҳукм этганлик, жиноий жавобгарликка тортганлик, маъмурий жазо берганлик туфайли жисмоний шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар юзасидан;

5) даъвогарлар — жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;



5¹) даъвогарлар — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

6) юридик ва жисмоний шахслар — алиментларни ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни уларга берганлик учун;

7) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар;

8) юридик ва жисмоний шахслар — давлат ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан;

9) тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

10) истеъmolчилар — ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан;

11) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари ва истеъmolчиларнинг жамоат бирлашмалари — истеъmolчиларнинг (истеъmolчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб бериладиган даъволар юзасидан;

12) даъвогарлар — ўрмон дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдала-

ниш, ўрмонни қўриқлаш ва муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

13) давлат органлари — ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъволар юзасидан, шунингдек жисмоний шахсларга тегишли бўлган, тарихий, илмий, бадий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга бўлган мол-мулкни жисмоний шахслар бу мол-мулкка хўжасизларча муносабатда бўлган ҳолларда жисмоний шахслардан давлат мулкига олиб қўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

13¹) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари — кўп квартирали уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар юзасидан;

14) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қилинган шикоятлар юзасидан;



15) нодавлат нотижорат ташкилотлари — ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

16) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

17) ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари — барча даъволар юзасидан;

18) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари — пенсионерлардан (нафақа олувчилардан) ортиқча (ноқонуний) тўланган пенсияларнинг ва нафақаларнинг суммаларини ундириш билан боғлиқ даъволар юзасидан;

19) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари — кўчиш жойига бормаган ёки кўчиб борган

жойларини ўзбошимчалик билан тарк этган кўчириб келтирилувчиларга нисбатан кўчиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида тақдим этилган даъволар юзасидан;

20) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари — атроф-муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги, шунингдек қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

21) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари — сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик туфайли давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

22) суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органи — мажбурий суғурта операциялари билан боғлиқ ишлар юзасидан;

23) давлат солиқ хизмати органлари, молия ва божхона органлари — барча ишлар ҳамда ҳужжатлар юзасидан, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун;

24) ички ишлар органлари — алиментлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаётган шахсларни қидириш учун қилинган харажатларни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

25) прокуратура органлари — давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

26) адлия органлари — давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

27) ундирувчи ёки давлат ижрочиси — қонунда назарда тутилган тақдирда, қарздорни ёки унинг мол-мулкани қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

28) Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари — фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер



эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан;

29) Ўзбекистон Республикасининг Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар юзасидан;

30) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази ҳамда унинг ҳудудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар ва аризалар юзасидан;

31) Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар юзасидан;

32) мулкдорлар — хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан;

33) якка тартибдаги қурувчи билан шартномага кўра қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурилиши чоғида зиммасига буюртмачи вазифасини бажариш қонунчилиikka мувофиқ юклатилган юридик шахс — қишлоқ жойларда



намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш масалалари юзасидан якка тартибдаги уй-жой қурувчилар билан низоларни ҳал қилиш тўғрисидаги даъволар бўйича;

34) қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун имтиёзли кредитлар бериш қонунчилиқка мувофиқ қайси тижорат банкларининг зиммасига юклатилган бўлса, ўша тижорат банклари — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган имтиёзли ипотека кредитлари юзасидан қарз олувчиларнинг кредиторлик қарзларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

35) чет эл инвестициялари иштирокидаги акциядорлик жамиятлари — уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан;

36) тадбиркорлик субъектлари — ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берганда;

37) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, унинг жойлардаги

органлари — ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича;

38) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари — моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

39) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг жойлардаги органлари – қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунчиликни бузганлик бўйича давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

40) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан;

41) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, унинг жойлардаги органлари — ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича;

42) Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси — Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан;

43) Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари – хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бериладиган аризалар, шикоятлар ва даъволар юзасидан.

Ушбу модда биринчи қисмининг 8-10, 14, 32-36-бандларида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади.

Судга давлат божи тўланмаган ариза келиб тушганда, судья аризачи қонун билан давлат божини тўлашдан озод қилинган-қилинмаганлигига ҳамда даъвогар томонидан давлат божини тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақидаги илтимосномаси мавжуд бўлмаса, судья даъво аризани ажрим билан қайтаради ва ажримда тўлашни лозим бўлган давлат божи миқдорини кўрсатади.

Даъвогар арз қилинган талабларидан воз кечганда у қилган харажатларининг ўрни жавобгар томонидан қопланмайди.

Агар тарафлар келишув битими тузиш чоғида суд харажатларини тақсимлаш тартибини назарда тутмаган бўлса, суд бу масалани келишув битимини тасдиқлашда ФПКнинг 136, 138 ва 141-моддаларига мувофиқ ҳал қилади.

Давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва уларнинг миқдорини камайтириш

Давлат божи ариза, даъво аризаси (шикоят) берилгунга қадар тўланади. Фақат қонунда белгиланган ҳоллардагина давлат божи тўланмаган ҳолда даъво аризасини қабул қилиб, фуқаролик иши қўзғатилишига йўл қўйилади.

Улар қуйидагилар:

1. Қонунга кўра тўловчи давлат божи тўлашдан озод қилинган бўлса;
2. Давлат божи тўлаш кечиктирилган бўлса;
3. Давлат божи бўлиб-бўлиб тўланадиган (миқдор камайтирилганда қисман) ҳолларда.

Давлат божидан озод қилишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади ва судьяга давлат божи тўлашдан озод қилиш ваколати берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 133-моддасининг иккинчи қисми, 193-моддаси мазмунига кўра, судья фуқаролик ишини қўзғатиш босқичида аризачининг илтимосномаси бўйича, уни мулкий аҳволига қа-





раб, давлат божини тўлашни кечиктиришга, бўлиб-бўлиб тўлашга ва миқдорини камайтиришга ҳақли.

Судья мазкур масалаларни ҳал этиш ҳақидаги қарорини аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақидаги ёхуд аризачининг илтимосномасини қаноатлантириш ҳақидаги ажримда кўрсатади.

Илтимоснома рад қилинганда, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар суднинг тегишли ажрими билан аризачига қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 133-моддасига асосан ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсдан давлат фойдасига ундириладиган суд харажатларини кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки миқдорини камайтириш масаласини ҳал қилишда, суд уларнинг бу харажатларни қисман ёки бир йўла тўлашга қурби етмаслиги ҳолатларини тасдиқловчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақидаги далилларни (масалан, иш ҳақи (даромади), банкда маблағлари мавжудлиги, унинг эгалигида бўлган мулклар ҳақидаги маълумот, вояга етмаган фарзандлари, бошқа боқимандалари борлиги ва х.к. тўғрисидаги маълумотларни) текшириши лозим.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига кўра, пул маблағлари мавжуд бўлмаган ва бу хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга суднинг ажримига кўра давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат берилиши мумкин. Банк тасдиғида судга мурожаат қилинган санадан кўпи билан уч кун олдинги сана қайд этилган бўлиши керак.

Акциядорлар акциядорлик жамиятининг фаолиятидан келиб чиқадиган низолар бўйича ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда акциядорларга давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб олинади.

Қонунда давлат божи тўлашни қанча муддатга кечиктириб туриш лозимлиги ёки мумкинлиги айнан белгиланмаган. Лекин, суд амалиёти ва қонунчилик мазмунига кўра, давлат божини тўлаш одатда иш мазмунан кўрилиб, ҳал этилгунгача бўлган муддатга кечиктирилиши мумкин. Чунки, суд ишни мазмунан ҳал этиш юзасидан қарор қабул қилишда давлат божини тегишли тарафдан ундириш масаласини муҳокама қилиши ва ҳал этиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 400-моддаси мазмунига кўра биринчи инстанция судининг давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва миқдорини камайтириш масалаларига оид ажримлар устидан хусусий шикоят (протест) келтирилиши мумкин.

Суд қарори чиқаришда давлат божини тўғри ҳисоблаш ва ундирувни белгилаш

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 253-моддасининг 5-қисмига кўра, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суднинг арз қилинган талаблардан ҳар бирини тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш тўғрисидаги ёхуд қаноатлантиришдан рад этиш ҳақидаги хулосаси билан биргаликда суд харажатларини тақсимлаш тартиби кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 138-моддасига асосан, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган бўлса, ушбу моддада кўрсатилган суммалар жавобгардан даъвогарга талабларнинг суд томонидан қаноатлантирган қисмига мутаносиб равишда, жавобгарга эса даъвогар арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундириб берилади.

Даъвогарнинг талаблари у судга мурожаат қилганидан сўнг жавобгар томонидан ихтиёрий равишда





қаноатлантирилганда суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

Агар даъвогар томонидан неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли равишда арз қилиниб, бироқ унинг миқдори суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатлари неустойканинг камайтилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

Давлат божи тўлашдан озод қилинган даъвогар томонидан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда, давлат божи жавобгардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Давлат божи тўлашдан озод қилинган бир неча даъвогарлар томонидан бир неча жавобгарларга нисбатан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда, давлат божи ҳар бир жавобгардан алоҳида, ундан ундирилган суммадан келиб чиққан ҳолда давлат фойдасига ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод этилган давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек ташкилотлар

томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз даъво талабларидан улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги оқибатида воз кечганлиги сабабли иш юритиш тугатилган ҳолларда, давлат божи жавобгардан давлат даромадига ундирилади.

Даъвогар арз қилинган талабларидан воз кечганда у қилган харажатларининг ўрни жавобгар томонидан қопланмайди.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 140-моддасига кўра, прокурорнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилган давлат бошқаруви органларининг, ташкилотларнинг ва фуқароларнинг арз қилинган талаблари тўлиқ ёки қисман рад этилганда, жавобгар қилган суд харажатларининг ўрни унга бюджет маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки даъвогар арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда қопланади.

Талабларни қаноатлантириш рад этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ФПК 46-моддасида назарда тутилган тартибда суд томонидан жалб этилган жавобгар қилган суд харажатларининг ўрни бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади.

Мол-мулкни хатлашни бекор қилиш тўғрисидаги

даъво қаноатлантирилган тақдирда, даъвогар қилган суд харажатларининг ўрни унга бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 140-моддасига кўра, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган ва даъвогар тўлашдан озод қилинган суд чиқимлари ҳамда давлат божи жавобгардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган тақдирда суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари даъвогардан давлат даромадига ундирилади.

Арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган, жавобгар эса суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари суд харажатларини тўлашдан озод қилинмаган даъвогардан талабларининг рад этилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Агар ҳар икки тараф ҳам суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари давлат ҳисобига ўтказилади.



Агар суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинаётганда даъво баҳоси ошадиган бўлса, давлат божи даъво баҳосининг ошган суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Бунда келиб чиққан фарқ давлат фойдасига даъвогардан, даъво тўлиқ қаноатлантирилганда эса, жавобгардан ундирилади.

Суд, қонунда белгиланган ҳолларда арз қилинган талаблар доирасидан четга чиққанида ҳам давлат божи шундай тартибда ҳисоблаб чиқилади. Бунда, давлат божи даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда жавобгардан ундирилади.

Даъво қаноатлантирилган ва жавобгарлар зиммасига солидар жавобгарлик юклатилганда, суд жавобгарлардан давлат божини ҳам солидар ундиради.

Мулкка нисбатан ворислик ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилганда, давлат божи суд томонидан мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади ва ворисларнинг ҳар биридан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Бунда мол-мулкнинг умумий қийматига қуйидагилар кирмайди:

шахсий ва мулкий суғурта шартномалари бўйича суғурта суммаси;

Ўзбекистон Республикасининг кредит муассасаларида сақланаётган облигациялар ва омонатлар; даромад суммалари (меҳнат ҳақлари), муаллифлик ҳақлари;

васиятнома ва ҳадя шартномалари бўйича давлат ва юридик шахсларга ўтаётган мол-мулк қиймати;

Ватанни ҳимоя қилиш, давлат ва жамият олди-

даги бошқа мажбуриятларни бажариш муносабати билан ёки инсон ҳаётини, давлат мулкини ва ҳуқуқ тартиботни сақлаш бўйича фуқаролик бурчини бажариш пайтида вафот этган шахсдар мол-мулки;

Алимент ундиришга оид ишлар бўйича ҳал қилув қарори қабул қилишда давлат божи бир йил учун алимент тўловлари жами суммасидан, агар алимент ундирилган муддат бир йилдан ошмаса, шу давр учун алимент тўловлари жами суммасидан ҳисоблаб чиқилади. Тўловлар суммаси жавобгарнинг охириги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи (даромади)дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Жавобгар ишламаган тақдирда давлат божини ҳисоблаш учун тўловлар суммаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Алимент қарзини тўлашдан озод қилиш, алимент миқдорини ўзгартириш (камайтириш ёки кўпайтириш) ҳақидаги даъволар бўйича давлат божи тўловлар камайган, кўпайган ёки бекор қилинган, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган давр учун белгиланган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар томонидан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда, давлат божи жавобгардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган бир неча даъвогарлар томонидан бир неча жавобгарларга нисбатан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда, давлат божи ҳар бир жавоб-

гардан алоҳида, ундан ундирилган суммадан келиб чиққан ҳолда давлат фойдасига ундирилади.

Даъвогар арз қилган талабларидан воз кечганда у қилган харажатларнинг ўрни жавобгар томонидан қопланмайди.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз даъво талабларидан улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги оқибатида воз кечганлиги сабабли иш юритиш тугатилган ҳолларда, давлат божи жавобгардан давлат даромадига ундирилади (“Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг ўн бешинчи қисми).

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ ишни суд муҳокамасига тайёрлаш муддати тугагунга қадар даъвогар даъводан воз кечган ҳолатда алимент ундириш тўғрисидаги фуқаролик иши иш юритиш тугатилган тақдирда жавобгардан давлат божи ундирилмайди.

Даъво қаноатлантирилган ва жавобгарлар зиммасига солидар жавобгарлик юклатилганда, суд жавобгарлардан давлат божини ҳам солидар ундиради.

Бу қоида фуқаролик ишини кўриш билан боғлиқ чиқимларни ундиришга ҳам татбиқ этилади.

Процессуал иштирокчининг талаби билан ва фақат унинг манфаатида амалга оширилган процессуал ҳаракатлар учун қилинган ва бошқа процессуал иштирокчилар томонидан қопланмайдиган харажатлар бунга кирмайди.

Ижрога қаратиш: ижро варақани тўғри тўлдириш, ўз вақтида тўғри юборилишини таъминлаш

Суд қарорлари ижросига оид масалалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни нормалари билан тартибга солинади.

Мазкур қонун нормаларини суд амалиётида қўлланиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги 06/196-сонли Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинган.

Давлат божи ундириш юзасидан суд қарорларининг ижроси ҳам юқоридаги қонун нормалари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 446-моддасига кўра суд ҳужжатлари улар қонуний кучга киргандан кейин ижрога қаратилади. Дарҳол ижро этиш ҳоллари бундан мустасно.

Суд ҳужжатининг мажбурий ижроси суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Ижро варақаси суд томонидан берилган, ундирувчининг суд ҳужжатини мажбурий ижро этишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.



Ижро варақасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) *ижро варақасини берган суднинг номи;*
- 2) *ижро варақасининг қайси иш бўйича берилганлиги ва унинг рақами;*
- 3) *ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати қабул қилинган сана;*
- 4) *ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари; жисмоний шахслар учун — қарздор жисмоний шахснинг туғилган санаси ва жойи, иш жойи, шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), юридик шахслар учун эса — солиқ тўловчи идентификация рақами;*
- 5) *суд ҳужжатининг қарор қисми;*
- 6) *суд ҳужжати кучга кирган сана;*
- 7) *ижро варақаси берилган сана ва уни ижрога топшириш муддати.*

Суд ҳужжати асосида берилган ижро варақаси судья томонидан имзоланади ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Суд қонун бўйича қуйидаги ҳолларда ҳар бир қарор бўйича битта ижро варақа бериш лозимлиги тўғрисидаги қоидадан чекиниши мумкин, агар:

- суд ҳужжати бир неча ундирувчи фойдасига чиқарилган бўлса;*
- суд ҳужжатида бир неча қарздордан ундирув назарда тутилган бўлса;*
- суд ҳужжати турли жойларда ижро этилиши лозим бўлса.*

Агар, шерик жавобгарлардан ундириш назарда тутилаётган бўлса, ҳар бир ижро варақасида ундирувнинг умумий суммаси кўрсатилиши ва шерик жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳолда жавобгарларнинг ҳаммаси санаб ўтилиши керак. Ҳар бир суд ҳужжати бўйича битта ижро варақаси берилади.

Бир нечта жавобгардан давлат божи суммаларини ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори асосида жавобгарларнинг сони бўйича бир нечта ижро варақаси берилади. Бунда, агар солидар жавобгарлардан ундириш назарда тутилаётган бўлса, ҳар бир ижро варақасида ундирувнинг умумий суммаси кўрсатилиши ва солидар жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳолда жавобгарларнинг ҳаммаси санаб ўтилиши керак.

Ижро варақаси суд ҳужжатини қабул қилган суд томонидан берилади.

Давлат божи ундириш тўғрисидаги суд қарорлари бўйича суд ўз ташаббусига кўра ижро варақасини ижро этиш учун юборади.

Ижро варақаси ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг уч иш куни ичида суд томонидан қарздорнинг жойлашган еридаги давлат ижрочисига юборилади.



Ижро варақаси электрон ҳужжат тарзида юборилади.

Ижро варақасининг ёки суд буйруғининг асл нусхаси йўқотилган ҳолларда, суд ҳужжатини чиқарган суд ундирувчининг ёхуд давлат ижрочисининг аризасига кўра, ижро варақасининг дубликатини бериши мумкин.

Дубликат бериш ҳақидаги ариза ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўрилади, бироқ уларнинг келмаганлиги дубликат бериш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тўсқинлик қилмайди.

Дубликат бериш тўғрисидаги ариза бундай ариза судга келиб тушган пайтдан эътиборан ўн кун ичида суд мажлисида кўрилади.

Суднинг дубликат бериш тўғрисидаги масалага доир ажрими устидан хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 454-моддасига асосан, суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштирадиган объектив ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, суд ундирувчининг, қарздорнинг ёки давлат ижрочисининг аризасига биноан ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктиришга ёхуд унинг бўлиб-бўлиб ижро этилишига йўл қўйишга, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга ҳақли.

Агар ваколатли давлат органининг қарорида ёки тарафларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёхуд бўлиб-бўлиб ижро этиш учун кўпи билан бир йил муддат берилиши мумкин.

Қарздорга суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки унинг бўлиб-бўлиб ижро этилишига йўл қўйиш чоғида, суд ФПКнинг 9-бобида назарда тутилган тар-

тибда унинг ижросини таъминлаш чораларини кўриши мумкин.

Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳақидаги ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда суд томонидан кўрилади.

Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, унинг кўчирма нусхаси ундирувчига, қарздорга, шунингдек суд ҳужжатининг ижроси давлат ижрочисининг иш юритувида бўлган тақдирда, давлат ижрочисига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 455-моддаси асосида суд давлат ижрочиси суд томонидан берилган ижро варақаси асосида қўзғатган ижро ишини юритишни қонунда назарда тутилган ҳолларда, ундирувчининг, қарздорнинг, давлат ижрочисининг аризаси бўйича тўхтатиб туриши ёхуд тугатиши мумкин.

Суд томонидан берилган ижро варақаси асосида қўзғатилган ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш шу суд томонидан ёки давлат ижрочиси жойлашган ердаги суд томонидан амалга оширилади.

Ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда тарафларни чақирмаган ва суд муҳокамаси ўтказмаган ҳолда суд томонидан кўрилади.

Ижро ишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан ажрим чиқарилиб, унинг кўчирма нусхаси ундирувчига, қарздорга, шунингдек давлат ижрочисига юборилади.

Ижро ишини юритиш уни тўхтатиб қўйиш учун асос бўлган сабаблар ёки ҳолатлар бартараф этилгани-

дан кейин, ушбу ишни тўхтатиб қўйган суд томонидан ундирувчининг, давлат ижрочисининг аризасига кўра тикланади.

Ижро ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда, тарафларни чақирмаган ва суд муҳокамасини ўтказмаган ҳолда суд томонидан кўрилади.

Ижро ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, унинг кўчирма нусхаси ундирувчига, қарздорга, шунингдек давлат ижрочисига юборилади.

Суднинг ижро ишини юритишни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 455-моддасига кўра суд ўзи томонидан ёзувдаги хатолар, арифметик хатолар билан берилган, шунингдек ўзгартирилган (бекор қилинган) суд ҳужжати асосида берилган ижро варақасини ундирувчининг, қарздорнинг, давлат ижрочисининг аризасига ёки ўзининг ташаббусига кўра тарафларни чақирмаган ва суд муҳокамасини ўтказмаган ҳолда қайтариб олишга ҳамда унинг ўрнига янги ижро варақасини беришга ҳақли.



Ёзувдаги хатолар, арифметик хатолар билан берилган ёки ўзгартирилган (бекор қилинган) суд ҳужжати асосида берилган ижро варақаси уни берган судга ундирувчи ёки давлат ижрочиси томонидан ижро этилмасдан қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддаси талабларига кўра, ижро ҳужжатида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органнинг номи;

2) ижро ҳужжатининг қайси иш бўйича берилганлиги ва унинг тартиб рақами;

3) ижро этилиши шарт бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати қабул қилинган сана;

4) ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари; жисмоний шахслар учун — қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, иш жойи қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами;

5) суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатининг қарор қисми;

6) суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати кучга кирган сана;

7) ижро ҳужжати берилган сана ва уни ижрога топшириш муддати.

Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати судья томонидан имзоланади ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш. Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади, бундан Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бошқармаларига ва марказий аппаратига тааллуқли ижро ҳужжатлари мустасно.

Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бошқармалари:

турли туманларда (шаҳарларда) жойлашган бир нечта қарздорга, шу жумладан солидар жавобгарлиги бўлган қарздорларга нисбатан берилган ижро ҳужжатларини;

ижро ҳужжати тақдим этилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик минг бараваридан юз минг бараваригача миқдордаги суммани ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатларини;

чет давлатнинг резиденти бўлган қарздор юридик шахсга нисбатан ижро ҳужжатларини ижро этади.

Мазкур Қонуннинг 83-моддасига асосан, Мажбурий ижро бюроси органларига тақдим этилаётганда ижро ҳужжатларига қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

1) ушбу Қонуннинг 82-моддасида кўрсатилган айрим тоифадаги ижро ҳужжатлари тегишли давлат органига, ташкилотга ёки унинг мансабдор шахсига тақдим этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

2) истеъмол қилинган энергия ресурслари ва ичимлик суви учун мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги ариза ваколатли органга ёки мансабдор шахсга берилгунига қадар қарздор юридик шахс (бундан қонунчиликка биноан тармоқлардан узилишига йўл қўйилмайдиган истеъмолчилар мустасно) энергия ресурслари тармоқларидан ва сув таъминотидан узилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

3) ундирувни гаров билан таъминланган мол-мулкка қаратиш ҳақидаги ижро ҳужжатлари бўйича гаров тўғрисидаги шартнома;

4) солиқ қарзини ундиришга доир ижро ҳужжатлари бўйича инкассо топшириқномаларининг (тўлов ҳужжатларининг) санаси, рақами ва суммаси тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек ушбу мол-мулк хатланган тақдирда, мол-мулкни хатлаш ҳақидаги қарор ва баённома.

Мол-мулкни давлат даромадига ўтказишни назарда тутувчи ижро ҳужжатларига илова қилиниши керак бўлган ҳужжатлар қонунчиликка мувофиқ белгиланади.



Қайтарилган ижро варақаларини Мажбурий ижро бюроларига қайта юборишни таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”-ги Қонуннинг 24-моддасига асосан, агар ижро ҳужжати ижрога топшириш муддати ўтиб кетганидан кейин юборилган бўлса ёки ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, ёхуд зарур ҳужжатларни уларга қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда расмийлаштириб ижро ҳужжатиغا илова қилиш тўғрисидаги талабга риоя қилинмаган бўлса, давлат ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида қайтариб юборади.

Ижро ҳужжатини қайтариб юбориш тўғрисида қарор чиқарилади, унинг нусхаси қарор чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга юборилади.

Ижро ҳужжатини қайтариб юбориш тўғрисидаги қарорда ушбу Қонуннинг 8-моддасида ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган қайси талаблар бузилганлиги кўрсатилади.

Ижро ҳужжатининг йўл қўйилган нуқсонларни бартараф қилиш учун қайтариб юборилиши бундай





нуқсонлар бартараф қилинганидан кейин ижро ҳужжати давлат ижрочисига иккинчи марта умумий тартибда юбориш учун тўсқинлик қилмайди. Суд ёки бошқа орган ижро ҳужжатида йўл қўйилган нуқсонларни қайтарилган ижро ҳужжати келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида бартараф қилади ва уни такроран давлат ижрочисига юборади.

Ижро ҳужжатини қайтариб юбориш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш ёки протест билдириш мумкин.

Суд амалиётида судлар томонидан ижро варақаларини қайтарилиши сабабларини синчиклаб ўрганилмасдан, улардаги камчиликларни бартараф этмаган ҳолда электрон тарзда қайта юборилиши натижасида айрим ижро варақалари ўнлаб, ҳатто юзлаб марта судларга қайтарилиш ҳолатлари учрайди.

Шу сабабли судлар томонидан ижро варақаларини қайта юборишни ўз вақтида сифатли тарзда таъминлаш юзасидан масъулияти оширилиши ва бу борада Мажбурий ижро бюрolari билан ўзаро ҳамкорликни кучайтирилиши лозим.

ИЛОВАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИДАН КЎЧИРМА (22.01.2018 йил)

13-боб. Суд харажатлари

127-модда. Суд харажатларининг турлари

Суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат бўлади.

128-модда. Давлат божи

Давлат божини тўлаш асослари ва тартиби, уни тўлашдан озод қилиш, давлат божини қайтариш тартиби қонунда белгиланади.

129-модда. Даъвонинг баҳоси

Даъвонинг баҳоси қуйидагича белгиланади:

1) пул ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича — ундириладиган суммага қараб;

2) мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича — талаб қилинаётган мол-мулкнинг қийматига қараб;

3) бир нечта мустақил талабдан иборат даъволар бўйича — барча талабларнинг умумий суммасига қараб;

4) алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича — бир йиллик тўловларнинг йиғиндисига қараб;

5) муддатли тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича — тўловларнинг ёки бериладиган пулларнинг йиғиндисига, лекин кўпи билан уч йиллик йиғиндисига қараб;

6) муддатсиз ёки умрбод тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича — тўловларнинг ёки

пулларнинг уч йил ичидаги йиғиндисига қараб;

7) тўловларни ёки пул беришни камайтириш ёхуд кўпайтириш тўғрисидаги даъволар бўйича — тўловлар ёки бериладиган пуллар камайтириладиган ёки кўпайтириладиган суммага, лекин кўпи билан бир йиллик суммага қараб;

8) тўловларни ёки пул беришни тўхтатиш тўғрисидаги даъволар бўйича — қолган тўловлар ёки пуллар йиғиндисига, лекин кўпи билан бир йиллик йиғиндисига қараб;

9) мол-мулк ижараси шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш ҳақидаги даъволар бўйича — шартнома амал қилишининг қолган муддатида мулкдан фойдаланиш учун тўланадиган тўловларнинг йиғиндисига, лекин кўпи билан уч йил ичидаги тўловларнинг йиғиндисига қараб;

10) хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли иморатларга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар бўйича — иморатнинг бозор қийматига қараб, лекин бу миқдор кадастр қийматидан, бундай баҳо бўлмаганида эса, мажбурий суғурта баҳосидан кам бўлмаслиги керак, ташкилотларга қарашли иморатлар бўйича эса — иморатларнинг ҳақиқий баҳосидан кам бўлмаслиги керак.

130-модда. Даъвонинг баҳосини белгилаш тартиби

Даъвонинг баҳоси даъвогар томонидан кўрсатилади. Даъвогар кўрсатган баҳо талаб қилинаётган мол-мулкнинг ҳақиқий қийматига мувофиқ эмаслиги яққол бўлса, даъвонинг баҳосини судья белгилайди.

Даъво тақдим этилган вақтда унинг баҳосини белгилаш қийин бўлса, давлат божининг миқдорини

судья дастлабки тарзда белгилайди ва кейинчалик ишни ҳал қилиш чоғида суд белгилаган даъво баҳосига мувофиқ, давлат божининг тўланмаган қисми ундирилади ёки ортиқча олинган қисми қайтарилади.

131-модда. Даъвонинг баҳоси ўзгартирилганда давлат божини ҳисоблаш

Тўланган давлат божи даъвогар ўз талабларини камайтирган, арз қилинган талабларидан воз кечган, тарафлар ишни келишув битими билан тамомлаган ҳолларда қайтарилмайди.

Арз қилинган талаблар кўпайтирилганда етишмаётган сумма даъвонинг кўпайтирилган баҳосига мувофиқ равишда қўшимча тарзда тўланади.

132-модда. Ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар

Ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар жумласига қуйидагилар киради:

1) гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

2) жойида кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

3) ушбу Кодекснинг 165-моддасида назарда тутилган ҳолларда жавобгарни қидириш учун қилинган харажатлар;

31) суд хабарномаларини ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатлари;

4) суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар;

5) суд томонидан тан олинган бошқа зарур харажатлар.

Почта харажатларининг суммаси суд томонидан белгиланади, бироқ бу сумма базавий ҳисоблаш миқ-

дорининг ўндан бир қисмидан ошмаслиги керак ва суднинг депозит ҳисобварағига киритилиши лозим.

Суд мажлисини видеоконференцалоқа режимда ўтказиш билан боғлиқ харажатлар суммаси суд томонидан белгиланади ва ишда иштирок этувчи шахслардан ишни кўриш натижаларига кўра ушбу Кодексга мувофиқ ундирилади.

133-модда. Суд харажатларини тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва уларнинг миқдорларини камайтириш

Давлат божини тўлашни кечиктиришга қонунчиликда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

Суд тарафларнинг мулкӣ аҳволига қараб, улардан бирининг ёки иккаласининг давлат даромадига ундирилдиган суд харажатларини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек бу харажатларнинг миқдорини камайтириши мумкин.

134-модда. Экспертларга, мутахассисларга, гувоҳларга, таржимонларга тегишли бўлган суммаларни тўлаш ва уларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш

Экспертлар, мутахассислар, гувоҳлар ва таржимонларга тегишли бўлган суммалар улар ўз вазифаларини бажариб бўлганидан сўнг суд томонидан тўланади.

Экспертлар ва мутахассислар суднинг топшириғи бўйича бажарган иши учун, агар бу иш уларнинг хизмат вазифалари доирасига кирмаса, ҳақ олади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимларнинг судга бориши муносабати билан уларнинг ишда бўлмаган вақтида иш жойидаги ўртача иш ҳақи қонунчиликда белгиланган тартибда сақланади.

Меҳнат муносабатларига киришмаган гувоҳлар одатдаги машғулотларидан қолдирилганлиги учун

амалда сарфлаган вақти ва белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқилган ҳолда ҳақ олади.

Тўланиши лозим бўлган суммаларни тўлаш тартиби ва уларнинг миқдорлари қонунчилик билан белгиланади.

135-модда. Суд чиқимларини тўлаш учун маблағларни киритиш тартиби

Гувоҳлар, экспертлар ва мутахассисларга, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар ёки жойида кўздан кечиришни ўтказишга доир харажатлар учун зарур бўлган суммалар тегишли илтимоснома билан мурожаат қилган тараф томонидан суднинг депозит ҳисобварағига олдиндан киритилади. Агар бу илтимоснома иккала тараф томонидан берилган бўлса ёки гувоҳларни, экспертларни, мутахассисларни, таржимонларни чақириш, жойида кўздан кечириш суднинг ташаббуси билан амалга оширилса, талаб қилинадиган суммани тарафлар тенг миқдорда киритади. Агар экспертиза суднинг ташаббуси билан тайинланса, тўланиши лозим бўлган сумма экспертга суд томонидан депозит ҳисобварағидан тўланиши мумкин. Бу сумма ишда иштирок этувчи шахслардан суд ҳужжати чиқарилаётганда суднинг депозит ҳисобварағига ўтказилган ҳолда ушбу Кодексга мувофиқ ундирилади.

136-модда. Вакилнинг ёрдами учун ҳақ тўлашга доир харажатларнинг ўрнини қоплаш

Ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан вакилнинг ёрдами учун тўлашга доир харажатларни оқилона миқдорларда ундириб беради.

Агар ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга адвокат белгиланган тартибга мувофиқ бепул

ёрдам кўрсатган бўлса, бу сумма бошқа тарафдан адвокатлар бюроси (ҳайъати, фирмаси) фойдасига ундирилади.

137-модда. Йўқотилган вақт учун ҳақ ундириш

Суд инсофсизлик билан асоссиз талаб арз қилган ёки даъвога қарши низолашган ёхуд ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда ҳал этилишига мунтазам қаршилиқ қилиб келган тараф зиммасига амалда йўқотилган вақт учун иккинчи тараф фойдасига ҳақ тўлаш мажбуриятини юклатиши мумкин. Ундириладиган ҳақ суд томонидан оқилона миқдорда белгиланади.

138-модда. Суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш

Ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган бўлса, ушбу моддада кўрсатилган суммалар жавобгардан даъвогарга талабларнинг суд томонидан қаноатлантирган қисмига мутаносиб равишда, жавобгарга эса даъвогар арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундириб берилади.

Даъвогарнинг талаблари у судга мурожаат қилганидан сўнг жавобгар томонидан ихтиёрий равишда қаноатлантирилганда суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

Агар даъвогар томонидан неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли равишда арз қилиниб, бироқ унинг миқдори суд томонидан камайтирилган бўлса,

суд харажатлари неустойканинг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

Давлат божини тўлашдан озод этилган давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек ташкилотлар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Агар юқори турувчи инстанция суди ишларни янгидан кўриб чиқиш учун юбормай, чиқарилган ҳал қилув қарорини ўзгартирса ёки янги ҳал қилув қарорини қабул қилса, у суд харажатлари тақсимотини тегишинча ўзгартиради.

Ушбу моддада баён қилинган қоидалар апелляция ва кассация шикоятларини берганда тарафлар тўлаган давлат божига ҳам тааллуқлидир.

139-модда. Арз қилинган талаблардан воз кечилганда, келишув битими тузилганда суд харажатларини тақсимлаш

Даъвогар арз қилинган талабларидан воз кечганда у қилган харажатларининг ўрни жавобгар томонидан қопланмайди.

Агар тарафлар келишув битими тузиш чоғида суд харажатларини тақсимлаш тартибини назарда тутмаган бўлса, суд бу масалани келишув битимини тасдиқлашда ушбу Кодекснинг 136, 138 ва 141-моддаларига мувофиқ ҳал қилади.

140-модда. Тарафларга суд харажатларининг ўрнини қоплаш

Прокурорнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилган давлат бошқаруви органларининг, ташкилотларнинг ва фуқароларнинг арз қилинган талаблари тўлиқ ёки қисман рад этилганда, жавобгар қилган суд харажатларининг ўрни унга бюджет маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки даъвогар арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда қопланади.

Талабларни қаноатлантириш рад этилган тақдирда, ушбу Кодекс 46-моддасида назарда тутилган тартибда суд томонидан жалб этилган жавобгар қилган суд харажатларининг ўрни бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади.

Мол-мулкни хатлашни бекор қилиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилган тақдирда, даъвогар қилган суд харажатларининг ўрни унга бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади.

141-модда. Давлатга суд харажатларининг ўрнини қоплаш

Ишни кўриш билан боғлиқ бўлган ва даъвогар тўлашдан озод қилинган суд чиқимлари ҳамда давлат божи жавобгардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган тақдирда суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари даъвогардан давлат даромадига ундирилади.

Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатланти-

рилган, жавобгар эса суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари суд харажатларини тўлашдан озод қилинмаган даъвогардан талабларининг рад этилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Агар ҳар икки тараф ҳам суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари давлат ҳисобига ўтказилади.

Жавобгарни қидириш ушбу Кодекснинг 165-моддасида назарда тутилган тартибда эълон қилинган тақдирда, суд қидирув иши бўйича қилинган харажатларни жавобгардан давлат даромадига ундиради.

142-модда. Суд харажатлари билан боғлиқ масалалар бўйича ажримлар устидан шикоят қилиш

Суд харажатлари билан боғлиқ масалалар бўйича суд ажрими устидан хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин.

“ДАВЛАТ БОЖИ ТЎҒРИСИ”ДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИДАН КЎЧИРМА

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат божини белгилаш, ундириш, уни қайтариш ва уни тўлашдан озод қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Давлат божи тўғрисидаги қонунчилик

Давлат божи тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

3-модда. Давлат божи турлари

Давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун ундириладиган мажбурий тўловдир.

Давлат божи турлари жумласига қуйидагилар ҳам киради:

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари томонидан консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун тўланадиган консуллик йиғими;

ихтироларга, фойдали моделларга, саноат намуналарига, селекция ютуқларига, товар белгиларига, хизмат

кўрсатиш белгиларига, географик кўрсаткичларга, товар келиб чиққан жой номларига, интеграл микро-схемалар топологияларига ҳуқуқий муҳофаза бериш билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик учун тўланадиган патент божи.

4-модда. Давлат божини тўловчилар

Ваколатли муассасаларга ва (ёки) мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган ва ўзига нисбатан юридик аҳамиятга молик ҳаракат ва (ёки) ҳужжатлар бериш амалга ошириладиган юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилардир.

5-модда. Ундириш объектлари

Давлат божи қуйидагилардан ундирилади:

1) фуқаролик ишлари бўйича судларга бериладиган даъво аризаларидан, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган аризалардан (шикоятлардан), алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибидаги шикоятлардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан

низолашиш ҳақидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибидаги шикоятлардан, чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги аризалардан, чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибидаги шикоятлардан, шунингдек фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ҳужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини берганлик учун;

2) иқтисодий судларга бериладиган даъво аризаларидан, ташкилотларни ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга киришиш ҳақидаги аризалардан, иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалардан, иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш ҳақидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш ҳақидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги, арбитражнинг ҳал

қилув қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги, арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ишлар бўйича иқтисодий суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, чет давлат судининг, арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризалардан, чет давлат судининг, арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишлар бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, шунингдек иқтисодий судлар томонидан ҳужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини берганлик учун;

3) маъмурий судларга бериладиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги аризалардан, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги, сайлов комиссияларининг ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги, нотариал ҳаракатни содир этишни, фуқаролик ҳолати далолатномаларининг ёзувларини қайд этишни рад этганлик юзасидан низолашиш ёхуд нотариуснинг ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш

органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракат-сизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаганлик устидан бериладиган, шу жумладан зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги талаблар билан боғлиқ аризалардан (шикоятлардан), маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция ва кассация шикоятларидан, шунингдек маъмурий судлар томонидан ҳужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини берганлик учун;

4) нотариуслар ва Ўзбекистон Республикасининг консуллари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун;

5) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик учун, шунингдек фуқароларга фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилганлиги тўғрисида такрорий гувоҳнома берганлик учун ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувига ўзгартишлар, қўшимчалар, тузатишлар киритилиши ва унинг қайта тикланиши муносабати билан гувоҳнома берганлик учун;

6) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картаси, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсинг ҳаракатланиш ҳужжати берилганлиги учун, чет элдан Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни берганлик учун,

чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картасини берганлик учун, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ва ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномаларни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиққанлик учун, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олганлик учун, шунингдек чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олганлик учун;

7) юридик шахсларни ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун;

8) ов қилиш ҳуқуқига доир рухсатнома берганлик учун;

9) ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткичлар, товар келиб чиққан жой номлари, интеграл микросхемалар топологиялари, электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун;

10) чет эллик юридик шахслардан кўرғазма юкларини расмийлаштирганлик, чет эллик юридик шахсларга божхона юк декларацияси бланklarини реализация қилганлик учун;

11) халқаро жамоат ташкилотларини рўйхатга олганлик, нодавлат нотижорат ташкилотларини, шу жумладан диний ташкилотлар, халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари ходимларини, шунингдек

уларнинг қарамоғида бўлган оила аъзоларини аккредитация қилганлик, махсус рўйхатга олиниши керак бўлган мол-мулкни бошқа шахсга бериш шартномаларини тасдиқлаганлик, баҳоланиши лозим бўлган бошқа шартномаларни тасдиқлаганлик, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллик фуқаролари билан никоҳларини, шунингдек чет эллик фуқароларнинг ўзаро никоҳларини рўйхатдан ўтказганлик, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллик фуқаролар билан ҳамда белгиланган тартибда бедарак йўқолган ёки ақлий заифлик ёки руҳий касаллик туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар билан ёки жинояти учун камида уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳини бекор қилишни рўйхатдан ўтказганлик учун;

12) чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чиқиш ёки кириш-чиқиш визаларини берганлик ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтирганлик, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик кириш-чиқиш визаларини расмийлаштирганлик, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни кириш визасининг амал қилиш муддати даврига вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик ва визанинг амал қилиш муддати узайтирилган даврда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган муддатини узайтирганлик учун, МДҲга аъзо давлатлар фуқароларини, шунингдек фуқаролик ҳақида белгилари мавжуд бўлмаган собиқ СССР паспортлари билан МДҲга аъзо давлатларидан келган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик, чет эл фуқаросининг, шу жумладан

МДХга аъзо давлатлар фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга оид ҳужжатларини кўриб чиққанлик ва расмийлаштирганлик, чет эл фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат йўқолганлиги ҳақида маълумотномалар берганлик учун;

13) чет эл тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилганлик учун;

14) фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга доир лицензиялар ва рухсатномалар берганлик учун.

6-модда. Давлат божи ставкаларининг миқдорлари

Давлат божи ставкаларининг миқдорлари ушбу Қонун иловасига мувофиқ белгиланади.

2-боб. Давлат божини тўлашдан озод қилиш

7-модда. Давлат божини тўлашдан озод қилиш

Давлат божини тўлашдан озод қилинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг қатъий рўйхати ушбу Қонун билан белгиланади.

2020 йил 1 январга қадар қабул қилинган бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган давлат божини тўлашдан озод қилиш ушбу ҳужжатларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар кучда қолади.

8-модда. Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш

Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) даъвогарлар — иш ҳақини ундириш тўғрисидаги

даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

2) даъвогарлар — алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

3) даъвогарлар — меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчиси вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

4) даъвогарлар — қонунга хилоф равишда ҳукм этганлик, жиноий жавобгарликка тортганлик, маъмурий жазо берганлик туфайли жисмоний шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар юзасидан;

5) даъвогарлар — жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

5¹) даъвогарлар — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

6) юридик ва жисмоний шахслар — алиментларни ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни уларга берганлик учун;

7) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар;

8) юридик ва жисмоний шахслар — давлат ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан;

9) тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

10) истеъмолчилар — ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан;

11) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари — истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб бериладиган даъволар юзасидан;

12) даъвогарлар — ўрмон дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни қўриқлаш ва муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

13) давлат органлари — ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъволар юзасидан, шунингдек жисмоний шахсларга тегишли бўлган, тарихий, илмий, бадий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга бўлган мол-мулкни жисмоний шахслар бу мол-мулкка хўжасизларча муносабатда бўлган ҳолларда жисмоний шахслардан давлат мулкига олиб қўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

13¹) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп квартиралар уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат

қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари — кўп квартирали уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун кириштиладиган даъволар юзасидан;

14) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қилинган шикоятлар юзасидан;

15) нодавлат нотижорат ташкилотлари — ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

16) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

17) ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари — барча даъволар юзасидан;

18) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари — пенсионерлардан (нафақа олувчилардан) ортиқча (ноқонуний) тўланган пенсияларнинг ва нафақаларнинг суммаларини ундириш билан боғлиқ даъволар юзасидан;

19) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари — кўчиш жойига бормаган ёки кўчиб борган жойларини ўзбошимчалик билан тарк этган кўчириб келтирилувчиларга нисбатан кўчиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида тақдим этилган даъволар юзасидан;

20) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари — атроф-муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги, шунингдек қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

21) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари — сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик туфайли давлатга етка-

зилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

22) суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органи — мажбурий суғурта операциялари билан боғлиқ ишлар юзасидан;

23) давлат солиқ хизмати органлари, молия ва божхона органлари — барча ишлар ҳамда ҳужжатлар юзасидан, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун;

24) ички ишлар органлари — алиментлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаётган шахсларни қидириш учун қилинган харажатларни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

25) прокуратура органлари — давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

26) адлия органлари — давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

27) ундирувчи ёки давлат ижрочиси — қонунда назарда тутилган тақдирда, қарздорни ёки унинг мол-мулкани қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

28) Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари — фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер

эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан;

29) Ўзбекистон Республикасининг Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар юзасидан;

30) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази ҳамда унинг ҳудудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар ва аризалар юзасидан;

31) Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар юзасидан;

32) мулкдорлар — хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор

шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан;

33) якка тартибдаги қурувчи билан шартномага кўра қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурилиши чоғида зиммасига буюртмачи вазифасини бажариш қонунчиликка мувофиқ юклатилган юридик шахс — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш масалалари юзасидан якка тартибдаги уй-жой қурувчилар билан низоларни ҳал қилиш тўғрисидаги даъволар бўйича;

34) қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун имтиёзли кредитлар бериш қонунчиликка мувофиқ қайси тижорат банкларининг зиммасига юклатилган бўлса, ўша тижорат банклари — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган имтиёзли ипотека кредитлари юзасидан қарз олувчиларнинг кредиторлик қарзларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

35) чет эл инвестициялари иштирокидаги акциядорлик жамиятлари — уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан;

36) тадбиркорлик субъектлари — ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берганда;

37) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, унинг жойлардаги органлари — ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича;

38) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

хузуридаги Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари — моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

39) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг жойлардаги органлари — қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунчиликни бузганлик бўйича давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

40) Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан;

41) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, унинг жойлардаги органлари — ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича;

42) Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси — Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан;

43) Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари — хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бериладиган аризалар, шикоятлар ва даъволар юзасидан.

Ушбу модда биринчи қисмининг 8 — 10, 14, 32 —

36-бандларида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади.

3-боб. Давлат божи тўловларини, тушумларини ҳисобга олиш ва қайтариш тартиби

16-модда. Давлат божи тўловларини ва тушумларини ҳисобга олиш

Давлат божи нақд пулсиз ўтказилганлигига доир тўлов топшириқномалари, давлат божини тўлаш учун пул қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги квитанция давлат божини ундирадиган давлат органларида қолдиган тегишли материалларга қўшиб қўйилади.

Нотариал ҳаракатларни рўйхатдан ўтказиш реестрида киритилган давлат божи суммаси, давлат божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг санаси ва рақами кўрсатилади.

Тўловчилар давлат божини тўлашдан озод этилган ҳолларда, тегишли ҳужжатларга (реестрларга, дафтарларга ва бошқа шу кабиларга) тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари илова қилинган ҳолда белги қўйилади, бундан пенсиялар ва нафақалар олиш учун ишончномаларни тасдиқлаш ҳоллари мустасно.

Давлат божи тушумларини ҳисобга олиш давлат божини ундирадиган давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат божи тушумлари бўйича ҳисобот давлат бо- жини ундирувчи давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек хусусий амалиёт билан шуғулланувчи но- тариуслар томонидан ўзи жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, ҳи- собот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечик- тирмасдан тақдим этилади.

17-модда. Давлат божини тўлаш ва ҳисобга ўтка- зиш тартиби

Давлат божи, агар ушбу Қонунда бошқача қоида бел- гиланмаган бўлса, давлат божи ундириладиган юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилгунига қа- дар ва (ёки) бунга ваколатли бўлган муассасалар (ман- сабдор шахслар) томонидан ҳужжатлар берилгунига қадар нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда тўланади.

Тўловчининг давлат божини нақд пулсиз шаклда тўлаганлиги факти қоғоздаги ёки электрон шаклдаги тўлов ҳужжати билан тасдиқланади.

Тўловчининг давлат божини нақд пул шаклида тўла- ганлиги факти банк томонидан тўловчига берилди- ган белгиланган шаклдаги квитанция ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Респу- бликаси Давлат солиқ қўмитаси белгилаган шаклда тўловни амалга оширган мансабдор шахс ёхуд давлат органи ва ташкилотнинг кассаси томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланади.

Давлат божини тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари амалга оширилади юридик аҳамиятга молик ҳара- катларнинг турига, тўловчиларнинг тоифаларига ёки бошқа ҳолатларга кўра ушбу Қонуннинг 19 — 24-мод- даларига мувофиқ белгиланади.

Давлат божи тўлов ҳужжатлари асосида Ўзбекистон

Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади, бундан давлат божининг қайси давлат органлари хизматлари учун давлат божи ундирилаётган бўлса, ўша давлат органи тасарруфида қолдирилаётган қисми мустасно.

Давлат божининг бир қисми давлат органи тасарруфида қолдирилган тақдирда, давлат божи ягона ҳисобварағига кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат органи ўртасида қонунчиликка мувофиқ тақсимланган ҳолда тўланади.

Давлат божининг давлат органи тасарруфида қолдириладиган миқдори қонунчиликда белгиланади.

Мулкий низо бўйича судга даъво аризаси берилганда, шунингдек мол-мулкнинг олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномасини нотариал тартибда тасдиқлашда, меросга бўлган ҳуқуқни расмийлаштиришда, агар даъво қиймати, шартнома суммаси ёки мерос миқдори чет эл валютасида белгиланса, давлат божининг миқдори ҳаракатлар амалга оширилган санада Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада белгиланади ва ундирилади.

18-модда. Давлат божини қайтариш тартиби

Давлат божи қуйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман қайтарилиши керак:

1) давлат божи қонунчиликда талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланганида;

2) суд даъво аризасини (аризани, шикоятни) қайтарганда ёки қабул қилишни рад этганда, шунингдек нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этганда;

3) апелляция, кассация ва назорат шикояти қайтарилганда ёки уни қабул қилиш рад этилганда;

4) давлат божи тўланган даъво аризаси (ариза, шикоят) ёки апелляция, кассация ва назорат шикояти судга келиб тушмаганда;

5) агар иш судга тааллуқли бўлмаса, ишни юритиш тугатилганда;

6) ариза кўрмасдан қолдирилганда, агар у муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

7) суднинг ёки ҳакамлик судининг иш юритувида айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда;

8) агар тарафлар ўртасида низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш тўғрисида ҳакамлик битими тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда;

9) агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда;

10) ишда иштирок этган шахс вафот этганида, агар низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймас;

11) даъвогар низони судга қадар ҳал этиш (эътироз билдириш) тартибига риоя этмаганда, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низолар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилган бўлса;

12) вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотиннинг никоҳи ўзаро розилик асосида бекор қилинганлигини қайд этиш учун давлат божи тўланганда, агар эр-хотиннинг ярашиши ёки улардан бирининг судга келмаганлиги туфайли никоҳни бекор қилиш амалга оширилмаган бўлса;

13) агар ишда иштирок этаётган юридик шахс тугатилган бўлса;

14) суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилганда;

15) Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларга хорижга чиқиш ҳуқуқи учун ҳужжат бериш рад этилганда.

Давлат божи суммаларини қайтариш тўловчининг ёзма аризасига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорлари асосида амалга оширилади. Давлат божи суммасини қайтариш учун аризачи давлат божини ундирган тегишли давлат органига ёки ташкилотга мурожаат қилиши керак. Давлат божини ундирган давлат органи ёки ташкилотнинг раҳбари уни қайтариш қонунийлигини тасдиқлаган тақдирда, давлат органи ёки ташкилот ва давлат божининг бошқа олувчилари илгари ўз ҳисобварақларига ўтказилган давлат божи суммаларининг тегишли қисмларини тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан эътиборан беш кун ичида ёки суд ҳужжатлари асосида қайтаради. Ўз навбатида давлат органи ёки ташкилот қайтарилиши лозим бўлган, илгари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадига ўтказилган давлат божи суммасининг бир қисмини қайтариш тўғрисида давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда хабар юборади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадига ўтказилган давлат божини қайтариш тўғрисидаги қарор солиқ органи томонидан давлат органи ёки ташкилотнинг тегишли хабарномаси олинган кундан эътиборан ўн кун ичида қабул қилинади. Давлат божини қайтариш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда солиқ органи давлат божини

тўловчига қайтаришни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Ғазначилигига қайтариш тўғрисида тегишли топшириқнома юборади.

4-боб. Давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари

19-модда. Судларда давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Судларга бериладиган даъво аризаларидан, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалардан, маъмурий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича судларга бериладиган шикоятлардан, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация ва назорат тартибидаги шикоятлардан, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини берганлик учун давлат божи қуйидаги тартибда ундирилади:

шартномаларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги, шартномаларни бекор қилиш тўғрисидаги ёки уларнинг шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги даъво аризаларига шартнома тўлалигича ёки унинг бирон-бир қисми низолашилатганлигидан қатъи назар, шартнома олди низолари бўйича аризалар учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади;

қарши даъво аризаларидан, шунингдек учинчи шахсларнинг ишга мустақил даъво талаблари билан киришганлиги тўғрисидаги аризалардан давлат божи умумий асосларда ундирилади.

Суд дастлабки даъвогарни унинг розилигига кўра бошқа шахс билан алмаштирганда бу шахс давлат божини умумий асосларда тўлаши керак.

Ишдан дастлабки даъвогар чиқиб кетган ва у

ҳуқуқий ворис билан алмаштирилган ҳолларда, давлат божи, агар у дастлабки даъвогар томонидан тўланмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда ҳуқуқий ворисдан ундирилади.

Судья бир ёки бир нечта бирлашган даъво талабини алоҳида иш юритиш учун ажратган тақдирда, даъво тақдим этилганда тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди ва қайтарилмайди. Алоҳида иш юритувга ажратганлик юзасидан давлат божи иккинчи бор тўланмайди.

Илгари кўрмасдан қолдирилган такроран берилган аризалар бўйича давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади. Агар ариза кўрмасдан қолдирилганлиги муносабати билан давлат божи қайтарилиши керак бўлса-ю, лекин қайтарилмаса, агар давлат божи бюджетга ўтказилган кундан эътиборан фуқаролик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ даъво муддати тугамаган бўлса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат такроран берилган аризага илова қилиниши мумкин.

Давлат божи ҳисоблаб чиқариладиган даъво баҳоси даъвогар томонидан, белгиланган ҳолларда эса фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал қонунчиликка мувофиқ суд томонидан аниқланади.

Агар ишни муҳокамага тайёрлаш кунида даъвогар алиментларни ундириш тўғрисидаги ишни тугатиш ҳақида ариза берган бўлса, бундай ҳолларда жавобгардан давлат божи ундирилмайди.

Даъвогар томонидан даъво талаблари камайтирилган тақдирда, тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

Даъво суммаси кўпайтирилган тақдирда, давлат божининг етишмаётган суммаси даъвонинг кўпайтирилган суммасига мувофиқ тўланади.

Даъвогар давлат божини тўлашдан озод этилган тақдирда даъво қаноатлантирилса, давлат божи жавобгардан (агар у давлат божини тўлашдан озод этилмаган бўлса) давлат даромадига белгиланган даъво суммасига мувофиқ ундирилади.

Даъво биргаликда бир нечта даъвогар томонидан бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда, давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва даъвогарлар томонидан улар қўйган талаблар улушига муносиб тарзда тўланади.

Даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда давлат божи қуйидаги ҳолларда ҳам ундирилади:

даъво даъвогар томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда;

даъво аризаларини қабул қиладиган судья бир турдаги бир неча талабни бир иш юритувига бирлаштирилганда.

Давлат божини тўлашдан озод этилган бир ёки бир нечта даъвогар томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда давлат божини ундириш суднинг ҳал қилув қарорига биноан ҳар бир жавобгардан белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда алоҳида-алоҳида амалга оширилади. Агар бундай даъво бир нечта даъвогар томонидан бир жавобгарга нисбатан тақдим этилган бўлса, давлат божи жавобгардан умумий белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда бюджетга ундирилади.

Суд бошқа шахсни иккинчи жавобгар сифатида жалб қилган ва даъво суммасининг бир қисмини бир жавобгардан, қолган қисмини эса иккинчисидан ундиришга ҳукм қилган тақдирда ва, агар бунда даъвогар давлат божини тўлашдан озод қилинган бўлса, давлат божи даъвонинг қаноатлантирилган умумий суммасидан ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар бир жавобгардан унга белгиланган даъво суммаси миқдори га мутаносиб равишда бюджетга ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз талабларини даъво берилганидан кейин улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги туфайли қўллаб-қувватламаган ҳолларда давлат божининг суммаси жавобгардан суд ажрими бўйича бюджетга ундирилади.

Даъвогар аризада даъво суммасини кўрсатмаган ҳолларда судья даъво аризасини қабул қилиш асосида, даъвонинг тахминий баҳосидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим бўлган давлат божининг миқдорини дастлабки тарзда белгилайди. Агар суд ҳал қилув қарорини чиқарганда даъвонинг умумий суммаси ошса, давлат божи даъвонинг ошиб кетган суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Бунда вужудга келган фарқ даъвогардан ёки даъво тўлиқ қаноатлантирилган тақдирда — жавобгардан бюджет даромадига ундирилиши лозим. Суд даъвогар аризада кўрсатган талаблар доирасидан қонунчиликда белгиланган ҳолларда иш ҳолатларига боғлиқ равишда чиқиб кетганда ҳам давлат божи шундай тартибда ҳисоблаб чиқарилади. Бундай ҳолларда даъво қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи жавобгардан даъвонинг қаноатлантирилган қисмига

мутаносиб равишда ундирилади, давлат божининг қолган қисми эса даъвогардан ундирилиши лозим.

Суд мол-мулкни мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган тақдирда, давлат божи мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда суд томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва ҳар бир меросхўрдан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги, мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги, мол-мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқни эътироф этиш тўғрисидаги, умумий мол-мулкдан улуш ажратиш ҳақидаги ва меросхўрларнинг ўзларига тегишли мол-мулк улушини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъво аризалари учун давлат божи ушбу мол-мулк ёки унинг улуши қийматидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида мулкӣ ва номулкий хусусиятга эга бўлган даъво аризалари учун мулкӣ хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкалар бўйича ва номулкий хусусиятга эга даъво аризалари учун белгиланган ставкаларга кўра, ҳар бир талаб бўйича алоҳида-алоҳида давлат божи тўланади.

Қиймат жиҳатидан баҳоланмайдиган талаблар (ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган жойларни бўшатиш тўғрисидаги, натура шаклида майдон бериш ҳақидаги, топшириш балансини қабул қилишга мажбурлаш билан боғлиқ низолар ва бошқалар) номулкий хусусиятга эга даъво аризалари жумласига киради.

Никоҳни бекор қилиш билан бир вақтда мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво аризаларидан никоҳни бекор қилганлик учун ва мол-мулкни бўлганлик учун давлат божи ундирилади.

Даъво аризасини (аризани, шикоятни) қайтаришга асос бўлган шароитлар бартараф этилганидан сўнг такроран бериладиган даъво аризаларига (аризаларга, шикоятларга) давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат давлат божи такроран тўланишининг олдини олиш учун илова қилиниши мумкин.

Аризачи давлат божини тўлашдан озод қилинган ҳолларда даъво қаноатлантирилган тақдирда давлат божи, агар жавобгар давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан ундирилади.

Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб билдирилган талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи ариза қайси шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Муайян судда кўрилиши лозим бўлган бир нечта иш учун бир тўлов топшириқномаси бўйича давлат божи ўтказилган ҳолларда топшириқнома ишларнинг бирига илова қилинади. Мазкур иш бўйича тўланган давлат божининг суммаси тўғрисида қолган ишларга белги қўйилади ва тўлов топшириқномаси қўшиб қўйилган иш кўрсатилади.

Суд буйруғи бекор қилинган тақдирда, ундирувчи томонидан тўланган давлат божи қайтарилмайди. Даъво ундирувчи томонидан қарздорга нисбатан даъво ишини юритиш тартибида кўзғатилган тақдирда у тўлани-

ши лозим бўлган давлат божи ҳисобига ўтказилади.

Пул маблағлари мавжуд бўлмаган ва бу хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга суднинг ажримига кўра давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат берилиши мумкин. Банк тасдиғида судга мурожаат қилинган санадан кўпи билан уч кун олдинги сана қайд этилган бўлиши керак.

Акциядорлар акциядорлик жамиятининг фаолиятдан келиб чиқадиган низолар бўйича ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда акциядорларга давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб олинади.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига
ИЛОВА

**Давлат божи ставкаларининг
МИҚДОРЛАРИДАН КЎЧИРМА**

1. Фуқаролик ишлари бўйича судларга бериладиган:	
а) мулкий хусусиятга эга даъво аризаларидан	даъво баҳосининг 4 фоизи миқдоридан, бироқ БҲМнинг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда
б) давлат бошқаруви органларининг, маъ- мурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга ошириш- га ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берил- ган аризалардан (шикоятлардан) (суд қарори чиқарилаётганда айбдор тарафдан ундирилади)	БҲМнинг 1 баравари
Изоҳ. <i>Кичик тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган тад- биркорлик фаолияти доирасида судларга мурожаат қилганда ушбу банднинг “е” ва “и” кичик бандларида кўрсатилган, белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдоридан давлат божи тўлайди.</i>	
в) никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан	БҲМнинг 2 баравари
г) такрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан	БҲМнинг 4 баравари
Изоҳ. <i>Никоҳ бекор қилинаётганда мол-мулк бўлинган тақдирда, бож “а” кичик бандига мувофиқ даъвонинг баҳосига мувофиқ белгиланади.</i>	
д) бедарак йўқолган ва руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги оқибатида белгиланган тар- тибда муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки камида уч йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақида- ги даъво аризаларидан	БҲМнинг 2 фоизи
е) турар жойлар ижарасига доир шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан, мол-мулкни хатловдан чиқариш тўғрисидаги ва мулкий хусусиятга эга бўлмаган (ёки баҳоланмайдиган) бошқа даъво аризаларидан	БҲМнинг 2 баравари

ж) алохида кўриладиган ишларга доир аризалардан	БҲМнинг 1 баравари
Изоҳ. <i>Оталикни тан олиш (белгилаш), боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги, шунингдек туғилган вақти фактларини аниқлаш тўғрисидаги аризаларни кўрганлик учун давлат божни ундирилмайди.</i>	
з) апелляция, кассация ва назорат тартибида берилган шикоятлардан	даъво аризаси ёки бошқа аризалар, шикоятлар берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи
Изоҳ. <i>Мулкий низолар бўйича ставкалар миқдори “а” кичик бандга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади</i>	
и) қарорлар, ҳукмлар, ажримлар, бошқа суд ҳужжатларининг дубликатлари ва кўчирма нусхаларини, шунингдек тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра судлар томонидан ишлардан бошқа ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини берганлик учун	ҳужжатнинг ҳар бир бети учун БҲМнинг 2 фоизи
к) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан	БҲМнинг 2 баравари
л) чет эл судлари ва чет эл ҳакамлик судлари (арбитражлар) қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги аризалардан	БҲМнинг 2 баравари

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон, 21.05.2020 й., 03/20/619/0622-сон; 05.10.2020 й., 03/20/640/1348-сон; 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон; 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 15.07.2021 й., 03/21/701/0674-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон; 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон; 03.02.2022 й., 03/22/749/0101-сон; 04.03.2022 й., 03/22/757/0181-сон, 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон, 21.04.2022 й., 03/22/765/0332-сон, 17.05.2022 й., 03/22/769/0421-сон, 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон, 01.06.2022 й., 03/22/773/0461-сон; 07.12.2022 й., 03/22/808/1069-сон; 07.02.2023 й., 03/23/816/0075-сон; 18.03.2023 й., 03/23/824/0154-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон; 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон)

Алимент ундириш ҳақидаги ишлар бўйича давлат божини ҳисоблаш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг ФПК 129-моддаси 4-банди талабига мувофиқ, алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича давлат божи миқдори — бир йиллик алимент тўловларнинг йиғиндисидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Оила кодексининг 96-моддаси талабига кўра, бир нафар фарзанд учун ота ёки она барча даромадининг $1/4$, икки нафар фарзанд учун $1/3$, уч нафар ёки ундан ортиқ фарзандлар учун $1/2$ миқдорида алимент тўлашлари шарт.

Масалан, алимент тўлаши лозим бўлган фуқаро Тошмат Болтаевнинг ойлик даромади 2 млн. сўмни ташкил қилади. Бир нафар фарзанд учун ойига 500 000 сўм алимент тўлаши лозим. Унинг йиллик алимент тўловлари йиғиндиси (500000×12) 6 млн. сўмни ташкил қилади. Давлат божи ставкасининг а бандига асосан ушбу сумманинг 4 фоизи 240 000 сўмни ташкил қилади. Бу базавий ҳисоблаш миқдоридан кам бўлганлиги сабабли давлат божи алимент ундирилаётган пайтдаги БҲМнинг бир баравари миқдорида белгиланади.

Агарда айни шу ҳолатда Тошмат Болтаевдан 3 нафар фарзанди таъминоти учун алимент ундириладиган бўлса, алимент миқдори даромадларининг $1/2$ қисми – 1 млн. сўмни ташкил этади. Бу ҳолатда 1 йиллик алимент тўлов йиғиндиси ($1 \text{ млн.} \times 12$) 12 млн. сўмни ташкил этади.

12 млн. сўмнинг 4 фоизи 480 000 сўм давлат божи сифатида ундирилади.

Алимент ундириш ойлик иш ҳақининг қисми миқдорида белгиланганда ҳам, ойлик алимент миқдори қатъий суммада белгиланганда ҳам юқоридаги қоида-

га амал қилган ҳолда, яъни бир ойлик алимент миқдори 12 га кўпайтириш орқали йиллик алимент тўлови миқдори аниқланади ва ушбу суммадан 4 фоизи миқдорида давлат божи ҳисобланади.

Жавобгар ойлик иш ҳақига эга бўлмаган ҳолатларда давлат божи у яшаб турган жойдаги статистика органи томонидан берилган ўртача иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб, юқоридаги тартибда ҳисобланади.

Агар ишни муҳокамага тайёрлаш кунда даъвогар алиментларни ундириш тўғрисидаги ишни тугатиш ҳақида ариза берган бўлса, бундай ҳолларда жавобгардан давлат божи ундирилмайди.

Қаранг: “Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддаси

Бир неча мустақил талаблар бўйича бож миқдорини белгилаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги 2020 йил 21 февралдаги 5-сонли қарорининг 6-бандига асосан мулкий хусусиятга эга бўлган, бир неча мустақил талаблардан иборат даъво билан судга мурожаат қилинган ҳолларда умумий даъво суммасидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдори белгиланади.

Бир неча номулкий хусусиятга эга бўлган даъво талаби билан судга мурожаат қилинганда эса, тўланиши лозим бўлган давлат божи ҳар бир талаб учун алоҳида ҳисобланиб, қўшиш орқали аниқланади.

Бир вақтнинг ўзида ҳам мулкий ҳам номулкий характерга эга бўлган мустақил талаб билан судга мурожаат қилинган ҳолатда давлат божи ҳар бир

талаб бўйича яъни, мулкый талаб баҳосидан ва номулкий талаб бўйича давлат божи алоҳида-алоҳида ҳисобланади ва уларни қўшиш орқали аниқланади.

Масалан, даъвогар мерос гувоҳномасини ҳақиқий эмас деб топиш ва ўзини меросхўр деб топиб, мерос улушини ундириш ҳақидаги талаб билан мурожаат қилган ҳолатда, мерос гувоҳномасини ҳақиқий эмас деб топиш талаби номулкий характерга эга бўлгани сабабли давлат божи “Давлат божи тўғрисида”ги қонунига кўра, базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробари миқдорида бож ҳисобланади.

Қаранг: “Давлат божи тўғрисида”ги қонун Иловаси 1-бўлим “е” банди.

Изоҳ: Бунда талаб предмети – мулк эмас, балки ҳуқуқий ҳужжат. Яъни, ҳуқуқ туғдирувчи ҳужжат – нотариал тартибда расмийлаштирилган мерос гувоҳномасининг қонунийлиги низолашилади. Шунингдек, талаб шахсий ҳуқуқ билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳам номулкий талаб ҳисобланади.

Мерос гувоҳномасининг ҳуқуқий табиати шундаки, бу ҳужжат ҳам мулкый, ҳам шахсий манфаатни гувоҳлантирувчи ҳужжат. Шахсий манфаат келгусида мулкый ҳуқуқ ёки у билан боғлиқ мажбуриятга трансформация бўлиши мумкин. Гарчи, талаб мулкый манфаат билан боғлиқ бўлса-да, уни предмети ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлиги ҳисобланади.

Бу ҳолда, талабнинг асосини шахсий ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Мерос гувоҳномасини ҳақиқий эмас деб топши талабининг номулкий характерга эга эканлиги юқоридаги ҳолатлар билан белгиланади.

Иккинчи талаб, яъни ўзини меросхўр деб топши ва мерос улушини ундириш ҳақидаги талаблар узвий боғлиқ талаблар бўлиб, мулкый талаб билан боғлиқлиги сабабли “Давлат божи тўғрисида”ги қонунига илованинг биринчи қисм “а”-бандига биноан давлат божи мерос мулкнининг талаб қилинаётган қисми (мерос улуши) қийматининг 4 фоизи миқдориди ҳисобланади.

✔ Бир даъвогар томонидан бир неча жавобгарга нисбатан даъво тақдим этилганда ҳам, шунингдек судья томонидан бир турдаги бир неча талаб бир иш юритишга бирлаштирилганда ҳам, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси ўн биринчи қисмига кўра, даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда давлат божи ҳисобланади.

✔ Бир ёки бир неча даъво талаблари судья томонидан алоҳида иш юритишга ажратилганда, тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

Даъво қиймати чет эл валютасида белгиланса, давлат бож миқдорини белгилаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига биноан, агар даъвода чет эл валютасида ундириш талаби қўйилган бўлсада, давлат божининг миқдори қарор чиқариш санасидаги курс бўйича миллий валютада белгиланади ва ундирилади.

Масалан, 2021 евро миқдорида давлат божни ундириш белгиланганда бу қуйидагича ҳисобланади: $2\ 021 \times 10\ 781,74 = 21\ 793\ 938$. Акс ҳолда давлат божни суммасини миллий валютада кўрсатилмаслиги ижро варақасини қайтарилиши ёки ижро этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Қаранг: “Давлат божни тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддаси

Маънавий зарарни ундириш талаби юзасидан ва маънавий зарар билан бир вақтда мулкий зарарларни ундириш талаб этилганда давлат божни миқдорини белгилаш тартиби

✔ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божни тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси 5¹-бандига кўра, **тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар** етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишда давлат божидан озод қилинган.

✔ **Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш** ҳақидаги даъво беришда даъвогар давлат божидан озод этилган. Лекин, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво бўйича давлат божидан озод қилиш назарда тутилмаган (қаранг, 8-модда, 5-банди).

✔ Маънавий зарарни ундириш талаби номулкий характердаги талаб бўлганлиги сабабли давлат божни БҲМнинг 2 баравар миқдорида белгиланади.

✔ Даъво талабларларининг маънавий зарар ундириш ҳақидаги қисми бўйича давлат божни тўланмаганлиги даъво аризани суд томонидан қайтарилишига асос бўлади.

✔ Маънавий зарар билан бир вақтда моддий зарар ундириш талаб этилганда, *жиноят натижасида моддий зарар етказилган ҳолатлар ҳамда аёл кишига тазйиқ ва зўравонлик натижасида етказилган моддий зарарни ундириш бундан мустасно*, талаб этилаётган моддий зарар миқдоридан тўрт фоиз миқдоридан давлат божи ҳисобланади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган давлат божи ставкаларининг миқдорларига мувофиқ мулкка оид бўлмаган даъво аризаларидан ундириладиган миқдорда давлат божи ундирилиши лозим.

Қаранг: “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси 5-қисми.

Даъвогар томонидан даъво талаблари камайтирилган ёки кўпайтирилганда давлат божи миқдорини белгилаш

✔ Даъвогар томонидан даъво талаблари камайтирилган тақдирда, тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

✔ Даъво суммаси кўпайтирилган тақдирда, давлат божининг етишмаётган суммаси даъвонинг кўпайтирилган суммасига мувофиқ тўланади.

✔ Даъвогар давлат божини тўлашдан озод этилган тақдирда даъво қаноатлантирилса, давлат божи жавобгардан (агар у давлат божини тўлашдан озод этилмаган бўлса) давлат даромадига белгиланган даъво суммасига мувофиқ ундирилади.

✔ Даъво биргаликда бир нечта даъвогар томонидан бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда, давлат божи даъвонинг умумий суммаси-

дан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва даъвогарлар томонидан улар қўйган талаблар улушига мутаносиб тарзда тўланади.

✔ Давлат божини тўлашдан озод этилган бир ёки бир нечта даъвогар томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда давлат божини ундириш суднинг ҳал қилув қарорига биноан ҳар бир жавобгардан белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда алоҳида-алоҳида амалга оширилади.

✔ Агар бундай даъво бир нечта даъвогар томонидан бир жавобгарга нисбатан тақдим этилган бўлса, давлат божи жавобгардан умумий белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда бюджетга ундирилади.

✔ Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз талабларини даъво берилганидан кейин улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги туфайли қўллаб-қувватламаган ҳолларда давлат божининг суммаси жавобгардан суд ажрими бўйича бюджетга ундирилади.

✔ Даъвогар аризада даъво суммасини кўрсатмаган ҳолларда судья даъво аризасини қабул қилиш асосида, даъвонинг тахминий баҳосидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим бўлган давлат божининг миқдорини дастлабки тарзда белгилайди.

✔ Суд ҳал қилув қарорини чиқариш пайтида даъвонинг умумий суммаси ошса, давлат божи даъвонинг ошиб кетган суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши лозим. Бунда давлат божининг аниқланган қисми ФПКнинг 138-моддаси тартибида даъвогар ёки жавобгардан ундирилади.

Қаранг: “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси

Аризачи давлат божини тўлашдан озод қилинган ҳолларда давлат божи ундириш

✓ Аризачи (даъвогар), қонунчиликка кўра, давлат божини тўлашдан озод қилинган ҳолларда даъво қаноатлантирилган тақдирда давлат божи, агар жавобгар давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан ундирилади.

Қаранг: “Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддаси

✓ Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб билдирилган талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, “Давлат божи тўғрисида”ги қонуни 7-моддаси биринчи қисмининг 8 — 10, 14, 32 — 36-бандларида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади.

✓ Даъво баҳосининг кўрсатилиши давлат божи миқдорини белгилаш ва тўғри ундирилишини таъминлайди.

Шунингдек, судга даъво ариза беришда тўланиши лозим давлат божи миқдорини аниқлаш, тўланган давлат божининг тўғрилигини текшириш учун ҳам зарур, чунки белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланмаганда, фуқаролик суди ФПК 194-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига мувофиқ даъво ариза қайтарилиши

лозим, давлат божини тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат бериш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилган ҳоллар бундан мустасно.

✔ Мол-мулк баҳосининг камайтирилиши оқиба-тида аризачи томонидан давлат божи кам миқдорда тўланганлигининг ўзи даъво аризани қайтариш учун асос бўлмайди.

Чунки, мол-мулкнинг ҳақиқий баҳосини аниқлаган-да, давлат божининг кам тўланган қисмини суд ҳал қилув қарори асосида ундириши мумкин.

✔ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси-нинг 327-моддасига асосан бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизларни унди-риш тўғрисидаги талаблар мавжуд бўлса, даъво баҳоси-га ушбу фоизлар ҳам киритилади.

Суд ҳужжатларига нисбатан апелляция ва кассация шикоятни берганлик учун давлат божи тўланиши

✔ “Давлат божи тўғрисида”ги қонун талабига кўра суд ҳужжатларига нисбатан шикоят берилган-ида шикоят берган тараф томонидан давлат божи тўланиши лозим.

✔ Давлат божи миқдори даъво аризаси ёки бо-шқа аризалар, шикоятлар берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи миқдорида белгиланган.

✔ ФПКнинг 133-моддасига кўра, манфаатдор та-рафнинг аризаси бўйича, судья давлат божини тўлаш-ни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақида ажрим чиқариши мумкин.

✔ Давлат божи миқдорини камайтириш масаласи ишни мазмунан кўрган суд томонидан ҳал қилинади.

✔ Давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки камайтириш тўғрисидаги илтимоснома фақат объектив асослар бўлганда ва тақдим этилган ҳужжатлар давлат божи тўлаш учун зарур бўлган миқдордаги пул маблағлари мавжуд эмаслигини тасдиқлаган ҳолларда қаноатлантирилиши мумкин.

Қаранг: “Давлат божи тўғрисида”ги қонун Иловаси 1-бўлим “з” банди.

✔ Ишни апелляция, кассация инстанциялари судларида кўришда суд ҳужжатлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳолда, суд ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тўланган давлат божини қайта тақсимлаш масаласини кўриб чиқиши лозим.

✔ Суд ҳужжати бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилганда, давлат божи бўйича суд харажатларини тақсимлаш масаласи ишни янгидан кўраётган суд томонидан тўланган давлат божи ва даъво талабларининг қаноатлантирилган миқдори ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилади.

✔ ФПКнинг 448-моддасига кўра, ҳар бир суд ҳужжати бўйича битта ижро варақаси берилади. Бироқ, агар ижро турли жойларда ёки бир нечта ундирувчининг фойдасига амалга ошириладиган бўлса, суд ундирувчиларнинг илтимосига биноан ижро жойини ёхуд ҳал қилув қарори ижросининг ҳар бир ижро варақасига тегишли қисмини аниқ кўрсатган ҳолда бир неча ижро варақаси беради.

Бир нечта жавобгардан пул суммаларини ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори асосида жавобгарларнинг сони бўйича бир нечта ижро варақаси берилади. Бунда, агар солидар жавобгарлардан ундириш назар-

да тутилаётган бўлса, ҳар бир ижро варақасида ундирувнинг умумий суммаси кўрсатилиши ва солидар жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳолда жавобгарларнинг ҳаммаси санаб ўтилиши керак.

Ижро варақаси суд ҳужжатини қабул қилган суд томонидан берилади.

Ижро варақаси ундирувчига берилади ёки суд ҳужжати қонуний кучга киргандан сўнг беш кун ичида ундирувчининг илтимосномасига кўра давлат ижросига ижро этиш учун юборилади, бундан суд ҳужжати чиқарилиши биланоқ ижро варақаси берилиб, дарҳол ижро этиладиган ҳоллар мустасно.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
ҚАРОРИ

**ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУД ХАРАЖАТЛАРИНИ УНДИРИШ
АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА**

Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиётида мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, судлар томонидан мазкур масалага доир қонунчилик тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарор қилади:

1. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, фуқаролик ишлари бўйича суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни (бундан буён матнда “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун деб юритилади) 3-моддасига мувофиқ давлат божи деганда, юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўлов тушунилади.

Давлат божи бошқа мажбурий тўловлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этиши туфайли, судлар фуқаролик ишлари бўйича давлат божи ундиришга доир қонун талабларига сўзсиз риоя этишлари шарт.

3. Тушунтирилсинки, фуқаролик ишлари бўйича давлат божи қуйидагилардан ундирилади:

1) судларга бериладиган даъво аризаларидан, алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан;

2) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги аризалардан;

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан;

4) чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги аризалардан;

5) апелляция, кассация шикоятларидан:

а) фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан;

б) иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан;

в) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги ажримлар устидан;

г) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажримлар устидан;

д) чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажримлар устидан;

б) ҳужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини (шу жумладан, такрорий равишда бериладиган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхаларини) берганлик учун.

4. Фуқаролик ишлари бўйича давлат божини тўлаш

билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган давлат божи ставкаларининг миқдорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 13-бобига мувофиқ тартибга солинади.

5. Давлат божи ариза, даъво аризаси шикоят (бундан буён ариза) судга берилгунга қадар тўланади, агар қонунда бошқача белгиланмаган бўлса (масалан, тўловчи давлат божини тўлашдан озод қилинган, давлат божи тўлаш кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган ҳолларида).

Давлат божини нақд пулсиз шаклда тўлаганлиги факти қоғоздаги ёки электрон шаклдаги тўлов ҳужжати билан тасдиқланади.

Давлат божини нақд пул шаклида тўлаганлиги факти: банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция билан;

белгиланган шаклда тўловни амалга оширган мансабдор шахс ёки давлат органи ва ташкилотнинг касаси томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланади.

Даъво баҳоси чет эл валютасида белгиланган мулкӣ низо бўйича судга ариза берилганда, давлат божининг миқдори ариза тақдим этилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада белгилади ва ундирилади.

Агар муайян судда кўрилиши керак бўлган бир неча аризалар бўйича давлат божи бир тўлов топшириқномаси билан тўланган бўлса, тўлов топшириқномаси ишлардан бирига илова қилинади. Қолган ишларга

судья томонидан тўлов топшириқномаси санаси ва рақаами кўрсатилган асосда тўлов топшириқномаси қўшиб қўйилган ишга ҳавола қилинган ҳолда давлат божи тўланганлиги тўғрисида белги қўйилади (маълумотнома тузилади).

Шуни назарда тутиш лозимки, тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдори арз қилинган талабнинг хусусиятига (мулкӣ ёки номулкӣ) боғлиқ бўлади ва “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, ставкалар бўйича аниқланади.

Аризачининг талаби мулкӣ хусусиятга эга бўлган ҳолларда давлат божи миқдори давогар томонидан кўрсатиладиган даъво баҳосидан келиб чиққан тарзда белгиланади ва судья томонидан ФПК 129 ва 130-моддаларига мувофиқ текширилади.

Даъво суммаси кўпайтирилганда, давлат божининг етишмаётган суммаси даъво миқдорининг кўпайтирилганлиги инобатга олинган баҳосига мувофиқ ундирилиши лозим, даъвогар томонидан даъво талаблари камайтирилганда эса, давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

7. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига кўра, давлат божи қуйидаги ҳолларда умумий асосларда ундирилади:

қарши даъво аризаларидан;

учинчи шахсларнинг ишга мустақил даъво талаблари билан киришганлиги тўғрисидаги аризалардан.

Ишга киришган даъвогарнинг ҳуқуқӣ ворисидан давлат божи, агар у даъвогар томонидан тўланмаган бўлса, умумий асосларда ундирилади.

8. Даъво бир неча даъвогар томонидан биргаликда

бир ёки бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади ва даъвогарлар томонидан улар қўйган талаблар улушига мутаносиб тарзда тўланади. “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг ўнинчи қисми.

Бир даъвогар томонидан бир неча жавобгарга нисбатан даъво тақдим этилганда ҳам, шунингдек судья томонидан бир турдаги бир неча талаб бир иш юритишга бирлаштирилганда ҳам давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ундирилади. “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг ўн биринчи қисми.

Бирлаштирилган бир ёки бир неча даъво талаблари судья томонидан алоҳида иш юритишга ажратилганда, қонунчилик талабларига мувофиқ тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди ва қайтарилмайди. У алоҳида ажратилган иш юритиш бўйича ҳисобга олинади, бу ҳақда судья томонидан тегишли маълумотнома тузилади ва иш материалларига қўшиб қўйилади.

9. Суд томонидан илгари кўрмасдан қолдирилган такроран берилган ариза бўйича давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади.

Шу билан бирга, агар ариза кўрмасдан қолдирилганлиги муносабати билан давлат божи қайтарилиши лозим бўлган, лекин қайтарилмаган бўлса, башарти давлат божи бюджетга ўтказилган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 150-моддасида белгиланган умумий даъво муддати ўтмаган бўлса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат такроран берилган аризага ило-

ва қилиниши мумкин (“Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг бешинчи қисми);

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, кассация шикоятига уни қайтаришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг тўланган давлат божи қайтарилиши белгиланган бўлса-ю, лекин қайтарилмаган бўлса ва у бюджетга ўтказилган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 150-моддасида белгиланган умумий даъво муддати тугамаган бўлса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжатнинг ҳам илова қилинишига йўл қўйилади.

10. Судга давлат божи тўланмаган ариза келиб тушганда, судья аризачи қонун билан давлат божини тўлашдан озод қилинган-қилинмаганлигини текшириши шарт. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган фуқаролик ишлари бўйича давлат божидан озод қилинган жисмоний ва юридик шахслар рўйхати қатъий ҳисобланади.

Бунда “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига кўра, 2020 йил 1 январга қадар қабул қилинган бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган давлат божини тўлашдан озод қилиш ушбу ҳужжатларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар кучда қолиши инobatга олиниши лозим.

Агар аризачи қонунга кўра давлат божини тўлашдан озод қилинмаган ва аризада уни тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақида илтимоснома мавжуд бўлмаса, шунингдек почта харажатлари тўланмаганда, судья аризани қайтариш ҳақида ажрим чиқариши

шарт (ФПК 195-моддаси). Ажримда тўланиши лозим бўлган давлат божи, почта харажатлари суммаси кўрсатилиши ва ушбу камчилик бартараф қилингандан сўнг такроран муурожаат қилиш имконияти мавжудлиги тушунтирилиши шарт.

ФПК 133-моддасининг иккинчи қисми, 193-моддаси мазмунига кўра, судья фуқаролик ишини қўзғатиш босқичида аризачининг илтимосномаси бўйича, уни мулкӣ аҳволига қараб, давлат божини тўлашни кечиктиришга, бўлиб-бўлиб тўлашга ёки миқдорини камайтиришга ҳақли бўлиб, бу ҳақда аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақидаги ёхуд аризачининг илтимосномасини қаноатлантириш ҳақидаги алоҳида ажримда кўрсатади. Илтимоснома рад қилинганда, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар суднинг тегишли ажрими билан аризачига қайтарилади.

11. ФПК 133-моддасига асосан ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсдан давлат фойдасига ундириладиган суд харажатларини кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки миқдорини камайтириш масаласини ҳал қилишда, суд уларнинг бу харажатларни қисман ёки бир йўла тўлашга қурби етмаслиги ҳолатларини тасдиқловчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақидаги далилларни (масалан, иш ҳақи (даромади), банкда маблағлари мавжудлиги, унинг эгалигида бўлган мулклар ҳақидаги маълумот, вояга етмаган фарзандлари, бошқа боқимандалари борлиги ва ҳ.к. тўғрисидаги маълумотларни) текшириши лозим.

12. Давлат божини қайтариш “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 18-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асосларга мувофиқ амалга оширилади.

Бож қонунда талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланган бўлса, шу ортиқча тўланган қисми қайтарилади. Қонунда қайд этилган бошқа ҳолларда бож тўлиқ миқдорда қайтарилиши лозим.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, давлат божи суммаларининг қайтарилиши “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 18-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган тартибда суднинг ажримига асосан амалга оширилади.

Агар даъвогар божни тўлаб, судга ариза билан мурожаат қилмаган бўлса, суднинг ушбу ҳолатни тасдиқловчи маълумотномаси божни қайтариб бериш учун асос бўлади.

13. Судларнинг эътибори қаратилсинки, фуқаролик ишларини кўриш билан боғлиқ чиқимларга:

гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

ФПК 165-моддасида назарда тутилган ҳолларда жавобгарни қидириш учун қилинган харажатлар;

суд хабарномаларини ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатлари;

суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар киради.

Бошқа суд харажатларига (ФПК 132-моддаси биринчи қисмининг 5-банди) суд томонидан оқилона миқдорларда белгиланадиган, ҳақиқатда йўқотилган вақт учун ундириладиган компенсация, вакилнинг ёрдами учун тўланадиган харажатлар ва ҳ.к. киради.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФПК 137-моддасида назарда тутилган йўқотилган вақт

учун ҳақ суд томонидан ишда мавжуд ҳужжатлар асосида:

даъвогардан — инсофсизлик билан асоссиз даъво тақдим этилганда ёхуд ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишига мунтазам қаршилик қилинган ҳолда;

жавобгардан — инсофсизлик билан даъвога қарши эътироз билдирилганда ёхуд ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишига мунтазам қаршилик қилинган ҳолда ундирилиши мумкин.

14. ФПК 135-моддаси талабларига кўра, ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларни тўлаш тарафлар зиммасига юклатилиши сабабли, судларнинг эътибори ишни суд муҳокамасига тайёрлашда тарафлар томонидан уларни тўлашга зарур пул суммаларини суднинг депозит ҳисобига олдиндан киритиш чораларини кўриш лозимлигига қаратилсин.

Суд чиқимларининг тараф (тарафлар) томонидан олдиндан киритилмаганлиги гувоҳни, экспертни, мутахассисни чақириш, жойига бориб кўздан кечириш ҳақида қилинган илтимосномани, агар бу томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона аниқлаш учун зарур бўлса, қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолда ишни кўриш билан боғлиқ сарф қилинган чиқимлар, ФПК 141-моддасида белгиланган қоидалар бўйича суд ҳужжати қабул қилинаётганда ундирилади.

15. Тушунтирилсинки, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар томонларга тўланиши лозим бўлган суммалар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республика-

сининг 1992 йил 3 июлдаги кейинчалик қўшимча ва ўзгартишлар киритилган “Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга харажатларни тўлаш тартиби ва миқдори ҳақида”ги Қонуни билан белгиланган

16. Назарда тутмоқ лозимки, суд қарорини ижро қилиш билан боғлиқ харажатлар дейилганда, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 75-моддасида назарда тутилган харажатлар тушунилади. Уларни қоплаш мазкур Қонуннинг 77-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

17. Умумий қоидага кўра, иш бўйича суд харажатларини низода ноҳақ бўлиб чиққан тараф тўлайди.

Суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш ва уларни давлат фойдасига ундириш ФПК 136 — 141-моддалари билан тартибга солинади Шу сабабли, суд муҳокамаси жараёнида суд (судья) суд харажатлари билан, зарур ҳолларда эса, бир тарафга бошқа тараф йўқотган, иш вақти учун ҳақ тўлаш мажбуриятини юклаш билан боғлиқ ҳолатлар мавжудлигини текшириши шарт, бу ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида тегишли хулосалар қилиши ва нафақат ундирувга бўлган ҳуқуқни, балки иш бўйича тарафлар (тарафдан ундирилиши лозим бўлган аниқ суммани белгилаши ҳамда шу суммани ҳал қилув қарорининг (ажримнинг) хулоса қисмида кўрсатиши лозим.

18. Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар томонидан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда, давлат божи жавобгардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган

қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган бир неча даъвогарлар томонидан бир неча жавобгарларга нисбатан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда, давлат божи ҳар бир жавобгардан алоҳида, ундан ундирилган суммадан келиб чиққан ҳолда давлат фойдасига ундирилади.

Тушунтирилсинки, даъвогар арз қилган талабларидан воз кечганда у қилган харажатларнинг ўрни жавобгар томонидан қопланмайди.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз даъво талабларидан улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги оқибатида воз кечганлиги сабабли иш юритиш тугатилган ҳолларда, давлат божи жавобгардан давлат даромадига ундирилади. (“Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг ўн бешинчи қисми)

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ ишни суд муҳокамасига тайёрлаш муддати тугагунга қадар даъвогар даъводан воз кечганлиги муносабати билан алиментларни ундириш тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилган ҳолда, жавобгардан давлат божи ундирилмайди.

19. Агар суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинаётганда даъво баҳоси ошадиган бўлса, давлат божи даъво баҳосининг ошган суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг тўққизинчи қисми. Бунда келиб чиққан фарқ давлат фойдасига даъвогардан, даъво тўлиқ қаноатлантирилганда эса, жавобгар-

дан ундирилади.

Суд, арз қилинган талаблар доирасидан қонунда белгиланган ҳолларда четга чиққанида ҳам давлат божи шундай тартибда ҳисоблаб чиқилади. Бунда, давлат божи даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда жавобгардан ундирилади.

20. Даъво қаноатлантирилган ва жавобгарлар зиммасига солидар жавобгарлик юклатилганда, суд жавобгарлардан давлат божини ҳам солидар ундиради. Бу қоида фуқаролик ишини кўриш билан боғлиқ чиқимларни ундиришга ҳам татбиқ этилади, процессуал иштирокчининг талаби билан ва фақат унинг манфаатида амалга оширилган процессуал ҳаракатлар учун қилинган ва бошқа процессуал иштирокчилар томонидан қопланмайдиган харажатлар бундан мустасно.

21. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, фуқаролик ишларининг алоҳида тоифалари бўйича даъво баҳосини белгилашнинг хусусиятлари ФПК 129-моддасида назарда тутилган.

Жумладан:

алимент ундириш ҳақидаги барча даъволардан (бола, ота-она, эр-хотин ва бошқалар таъминоти учун) давлат божи бир йил учун алимент тўловлари жами суммасидан, агар алимент ундирилган муддат бир йилдан ошмаса, шу давр учун алимент тўловлари жами суммасидан ҳисоблаб чиқилади. Тўловлар суммаси жавобгарнинг охирги иш жойидаги ўртачага ойлик иш ҳақи (даромади)дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Жавобгар. ишламаган тақдирда, давлат божини ҳисоблаш учун тўловлар суммаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш-

нинг энг кам миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

алимент қарзини тўлашдан озод қилиш, алимент миқдорини ўзгартириш (камайтириш ёки кўпайтириш) ҳақидаги даъволар бўйича давлат божи тўловлар камайган, кўпайган ёки бекор қилинган, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган давр учун белгиланган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва даъвогардан ундирилади.

22. Мулкка нисбатан ворислик ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилганда, давлат божи суд томонидан мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади ва ворисларнинг ҳар биридан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади. (“Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг ўн еттинчи қисми)

Бунда мол-мулкнинг умумий қийматига қуйидагилар кирмайди:

шахсий ва мулкый суғурта шартномалари бўйича суғурта суммаси;

Ўзбекистон Республикасининг кредит муассасаларида сақланаётган облигациялар ва омонатлар;

даромад суммалари (меҳнат ҳақлари), муаллифлик ҳақлари;

васиятнома ва ҳадя шартномалари бўйича давлат ва юридик шахсларга ўтаётган мол-мулк қиймати;

Ватанни ҳимоя қилиш, давлат ёки жамият олдидаги бошқа мажбуриятларни бажариш муносабати билан ёки инсон ҳаётини, давлат мулкни ва ҳуқуқ тартиботни сақлаш бўйича фуқаролик бурчини бажариш пайтида вафот этган шахслар мол-мулки;

ФПК 262-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига

кўра, суд харажатлари масаласига доир қўшимча ҳал қилув қарори фақат ҳал қилув қарорида суд харажатларини тақсимлаш назарда тутилмаган ҳолда чиқарилиши мумкин.

24. Фуқаролик ишларини апелляция ва кассация тартибида кўришда, мазкур суд инстанциялари биринчи инстанция суди томонидан суд харажатларини ундиришда йўл қўйилган хатоларни тузатиш чораларини кўриши лозим.

25. Суд харажатлари нотўғри ундирилган ҳолатлар аниқланганда, апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судларда процессуал қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тартибда, суд харажатларини ундиришга, уларни тўлашдан озод қилишга, шунингдек ундирилган сумма миқдорини камайтиришга ёки уларни тарафлар ўртасида қайта тақсимлашга ҳақли.

Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ва жиноят ишлари юзасидан суд чиқимларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Олий суд раиси Б. МУСТАФАЕВ
Пленум котиби, Олин суд судьяси
Ю.ТУРСУНБАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 24 ноябрь,
14-сон

Мундарижа

Кириш сўзи	3
Суд харажатлари ва давлат божи тушунчаси. Даъво ариза (ариза)ларни қабул қилиш ва фуқаролик ишини кўзғатишда давлат божини белгилаш ва ундириш масалалари	5
Давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва уларнинг миқдорини камайтириш	26
Суд қарори чиқаришда давлат божини тўғри ҳисоблаш ва ундирувни белгилаш	29
Ижрога қаратиш: ижро варақани тўғри тўлдириш, ўз вақтида тўғри юборилишини таъминлаш	36
Қайтарилган ижро варақаларини Мажбурий ижро бюроларига қайта юборишни таъминлаш	45

ИЛОВАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодексидан кўчирма	47
“Давлат божи тўғриси” даги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан кўчирма	56

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига

ИЛОВА

Давлат божи ставкаларининг миқдорларидан кўчирма	84
---	----

Алимент ундириш ҳақидаги ишлар бўйича
давлат божини ҳисоблаш тартиби86

Бир неча мустақил талаблар бўйича
бож миқдорини белгилаш тартиби87

Даъво қиймати чет эл валютасида белгиланса,
давлат бож миқдорини белгилаш тартиби89

Маънавий зарарни ундириш талаби юзасидан ва
маънавий зарар билан бир вақтда мулкӣ
зарарларни ундириш талаб этилганда давлат
божи миқдорини белгилаш тартиби90

Даъвогар томонидан даъво талаблари
камайтирилган ёки кўпайтирилганда давлат божи
миқдорини белгилаш91

Аризачи давлат божини тўлашдан озод қилинган
ҳолларда давлат божи ундириш93

Суд ҳужжатларига нисбатан апелляция ва кассация
шикояти берганлик учун давлат божи тўланиши94

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
ҚАРОРИ

Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини
ундириш амалиёти тўғрисида97

the 1990s, the number of people in the UK who are employed in the public sector has increased from 10.5 million to 12.5 million, and the number of people in the public sector who are employed in health care has increased from 2.5 million to 3.5 million (Department of Health 2000).

There are a number of reasons for the increase in the number of people employed in the public sector. One reason is that the public sector has become a major employer in the UK. Another reason is that the public sector has become a major employer in the health care sector. A third reason is that the public sector has become a major employer in the education sector. A fourth reason is that the public sector has become a major employer in the social care sector.

The increase in the number of people employed in the public sector has led to a number of challenges for the public sector. One challenge is that the public sector has become a major employer in the UK, and this has led to a number of challenges for the public sector. Another challenge is that the public sector has become a major employer in the health care sector, and this has led to a number of challenges for the public sector. A third challenge is that the public sector has become a major employer in the education sector, and this has led to a number of challenges for the public sector.

One of the challenges for the public sector is that the public sector has become a major employer in the UK, and this has led to a number of challenges for the public sector. Another challenge is that the public sector has become a major employer in the health care sector, and this has led to a number of challenges for the public sector. A third challenge is that the public sector has become a major employer in the education sector, and this has led to a number of challenges for the public sector.

One of the challenges for the public sector is that the public sector has become a major employer in the UK, and this has led to a number of challenges for the public sector. Another challenge is that the public sector has become a major employer in the health care sector, and this has led to a number of challenges for the public sector. A third challenge is that the public sector has become a major employer in the education sector, and this has led to a number of challenges for the public sector.

One of the challenges for the public sector is that the public sector has become a major employer in the UK, and this has led to a number of challenges for the public sector. Another challenge is that the public sector has become a major employer in the health care sector, and this has led to a number of challenges for the public sector. A third challenge is that the public sector has become a major employer in the education sector, and this has led to a number of challenges for the public sector.

One of the challenges for the public sector is that the public sector has become a major employer in the UK, and this has led to a number of challenges for the public sector. Another challenge is that the public sector has become a major employer in the health care sector, and this has led to a number of challenges for the public sector. A third challenge is that the public sector has become a major employer in the education sector, and this has led to a number of challenges for the public sector.

One of the challenges for the public sector is that the public sector has become a major employer in the UK, and this has led to a number of challenges for the public sector. Another challenge is that the public sector has become a major employer in the health care sector, and this has led to a number of challenges for the public sector. A third challenge is that the public sector has become a major employer in the education sector, and this has led to a number of challenges for the public sector.